

# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил  
1 июлдан  
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 238 (10.041)

2003 ЙИЛ 11 ДЕКАБРЬ

**ПОЙТАХТНИНГ  
Бир кунни**  
Янгиликлар, воқеалар


## Қисқарта

- **ШУ** кунгача шахримиз маҳаллаларининг 431 тасида ҳисобот-сайлов йиғилишлари бўлиб ўтди.
- **КЕЧА** Тошкент шаҳар ҳокимлигида шахримиздаги олий ўқув юртлари раҳбарлари, шаҳар фаоллари иштирокида Ёнгин хавфсизлиги ойлани муваффақиятли ўтказиш масалаларига бағишланган йиғилиш ўтказилди.
- **БУГУН** Ҳамза туман ҳокимлигида фаоллар иштирокида ташкил этилган давра суҳбати «Адолат — ҳақиқат мезони» деб номланди.
- **КЕЧА** шахримиз мактаблари ва ўрта махсус касб-хунар коллежларида фан олимпиадаларининг туман bosқичи бўлиб ўтди.
- **ТОШКЕНТ** Давлат иқтисодий университетидеги «Ўзбекистонда туризм хизматини такомиллаштиришнинг иқтисодий механизмлари» мавзусида анжуман бўлиб ўтди.
- **ЎЗБЕКISTON** Фанлар академиясининг республика ёш олимлари миллий жамияти ташаббуси билан уюштирилган конференция «Мустақиллик ва Ўзбекистон фани» деб номланди.
- **ТОШКЕНТ** Давлат педагогика университетининг ўзбек тили ва адабиёти факультети қошида фаолият юритаётган қозоқ тили ва адабиёти бўлими ташкил этилганлигига 50 йил ўтди.

**Тошкент шаҳар ҳокимлиги  
Матбуот хизмати ва ўз  
муқбирларимиз хабарларидан.**



Тошкентда Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ўн учинчи сессияси ўз ишини бошлади



## МАДҲИЯМИЗ — МИЛЛИЙ ҒУРУРИМИЗ

Кеча Ўзбекистон Давлат консерваториясида Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси қабул қилинганлигининг 11 йиллигига бағишлаб «Истиклол, мадҳия ва мияллий гурур» мавзусида маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди. Уни Республика «Маънавият ва маърифат» маркази ҳамда Ўзбекистон Давлат консерваторияси ҳамкорликда ташкил этдилар.

Республика «Маънавият ва маърифат» маркази раҳбари Куддус Аъзамов, Ўзбекистон Давлат консерваториясининг проректори Дилора Муродова Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси қабул қилинганлигининг 11 йиллиги билан барча тадбир ишгирчиларини табриқладилар. Улар мадҳиянинг ҳар бир мисрасида миллатимиз гурури, ватанимиз шаъни, юртимиз равнақи уфуриб турганлиги ва мадҳиямиз халқимизнинг ифтихор рамзи эканлигини таъкидлаб ўтдилар.

— Гарчи мен мадҳиямиз сўзларини ёзган ва марҳум бастакор Мутал Бурҳонов унинг мусиқасини басталаган бўлса-да, эндиликда у халқимиз, миллатимиз, давлатимиз мулкидир, — деди жумладан Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ шоири Абдулла Орипов ўз дил сўзларини изҳор этаркан.

Ўзбек футболли юлдузи Миржалол Қосимов ҳам ўз

сўзида айниқса чет мамлакатлардаги нуфузли спорт мусобақаларидаги ғалабаларимиз чоғида мадҳиямиз ёқимли, жозибали янраганида киши беихтиёр тўқинланиб кетишини, қалби ифтихор ва фахр туйғуларига тўлиб-тошшини ҳақонлашиб қайд этди.

Тадбир давомида «Булбулча» болалар хор ансамбли раҳбари, Ўзбекистон халқ артисти Шермат Ёрматов ва таниқли бастакор, профессор Аваз Мансуровга Республика «Маънавият ва маърифат» маркази томонидан мадҳиямизни тарғиб қилишдаги хизматлари учун «Маънавият фидойиси» Фахрий ёрликлари топширилди.

Севара Назархон ҳамда «Нихол» мукофоти совриндорлари ва консерватория талабалари ўзларининг дилрабо куй ва қўшиқлари билан тадбирга ўзгача файз бахш этдилар.

Гулчехра ДУРДИЕВА

**XXI сағоси**  
ХАҲР

Барча мавбалардан олқилган сўнги хабарлар

## Мамлакатимизда

- Кеча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгашининг вилотлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари иштирокида кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди.
- Тошкентдаги «Шератон» меҳмонхонасида «ЭХО-ЭКС-ПОРТ» (Россия) компанияси томонидан Россия Федерациясининг Ўзбекистондаги элчихонаси кўмағида ташкил этилган Ульянов автомобиль заводи маҳсулотининг тақдимот маросими ўтказилди.
- Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасида «Ўзбекистонда солиқ ва солиққа оид муносабатлар тарихи» музейи очилди.
- Зангиота туманидаги «Иттифок» қишлоқ фуқаролар йиғинида 320 ўринли янги мактаб биноси фойдаланишга топширилди.
- Жиззах вилотининг Мирзачўл туманида кичик ун заводи ишга туширилди. Ушбу «Ғалаба» хусусий ун заводи бир кеча-кундузда 50 тонна ун ишлаб чиқариш қувватига эга.
- Фарғона вилотида Ёзёвон тумани марказида замонавий асбоб-анжомлар билан жиҳозланган янги автоматлаштирилган газ таксимлаш станцияси ўз фаолиятини бошлади.
- Навоий шаҳрида акционерлик тижорат «Пахтабақан» вилот бўлимининг янги биноси фойдаланишга топширилди.

## Жаҳонда

- Ўзбекистон Республикасининг Саудия Арабистони подшоҳлигидаги Фавқуллода ва Мухтор элчиси У.Исроилов ўриндошлик асосида мамлакатимизнинг Кувейт Давлатидаги элчиси этиб тайинланганиги муносабати билан Кувейт Давлати амيري Жобир ал-Аҳмад ал-Жобир ал-Сабоҳга ишонч ёрликларини топширди.
- БМТ Бош Ассамблеясида Фаластин автономияси томонидан тақдим этилган Исроил томонидан чегарада тикланаётган «муҳофаза девори» қурилишини қонуний тўхтатишга қаратилган резолюция овозга қўйилди.
- Япония ҳукумати ўз харбий хизматчиларини Ироқда жойлаштириш режасини маққуллади.
- АҚШнинг шимоли-шарқида юз берган қучли қор бўрони натижасида 11 киши ҳаётдан кўз юмди. Киш бошланишида бундай қор бўронининг юз бериши камдан-кам учрайдиган ҳодисадир.
- БМТ таҳминига қўра, яна 300 йилдан кейин ер қурраси аҳолиси 9 миллиардга яқин кишидан иборат бўлади.
- Бразилиянинг Сан-Пауло шаҳрида ўзбек кураши бўйича Пан Америка чемпионати бўлиб ўтди. Чемпионат доирасида қитъа конфедерацияси конгресси ҳам қақирилди.

## «ОҚШОМ» БИЛАН БИРГА БЎЛИНГ!

Қадрли газетхонлар! Айни кунларда сиз ҳамини севиб мутолаа қиладиган «Тошкент оқшом» газетасига 2004 йил учун обуна қизгин давом этмоқда. Бинобарин, у сизга ҳар доим энг яқин суҳбатдош, дўст, ҳамкор ва ҳамроҳ бўлиб келган. Бунини шу кунларда тахририятга келаятган дил номаларидан ҳам билиш мумкин. Газетага бўлган юксак меҳрингиз, садоқатингиз учун сизларга қатта ташаккуримизни билдирган ҳолда шу кунларда пойтахтимизнинг барча алоқа бўлиmlларида газетга обуна расмийлаштирилаётганини яна бир қарра эслатиб ўтишни лозим деб толдик.

«Тошкент оқшом» келгуси йилда ҳам мамлакатимизда, унинг азим пойтахтида ва кенг жаҳонда рўй бераётган воқеа-ҳодисалар, янгиликларни тезкорлик билан ёритади, сиз севиб ўқийдиган ранг-баранг мавзудаги мақолалар газета саҳифаларидан мунтазам ўрин олади, деб ишонтирамиз. Шундай экан, вақтни фанимат билиб сеvimли нашрингизга обуна бўлишга бошлигин. Шундагина сизнинг нурли хонадонингизга 2004 йилнинг дастлабки кунидан бошлаб «Оқшом»нинг ўзи ташриф буюради.

## Обуна—2004



## ҚИММАТБАҲО СОВҒАЛАР КУТМОҚДА

Айни кунларда пойтахтимиздаги барча почта бўлиmlларида газета ва журналларга келаси йил учун қизгин обуна давом этмоқда. «Тошкент почтамати» акциядорлик жамияти ходимларининг сўзларига қўра шахримиз аҳолиси ўзлари яқдиллик билан ўқийдиган «Тошкент оқшом» ва «Вечерний Ташкент» газеталарига ҳам севиб обуна бўлишмоқда.

Дарҳақиқат, обуна мавсумининг кўнгилдагидай ўтишида почта бўлиmlлари ходимларининг ҳам ўзига хос ва муносиб хиссалари бор. Чунки ушбу соҳа хизматчиларига обуначилар даврий нашрларга обуналарни расмийлаштириш масаласида доимо мувожаат этишади.

Ҳақиқатдан ҳам қитанцияларни беҳато тўлдириб, қайси нашрга обуна бўлиш хусусида ўз маслаҳатларини беришда бу соҳа хизматчиларининг ўрни салмоқлидир. Бинобарин, алоқа бўлиmlларида «Оқшом» газеталарига ёзилган, чунки бу газеталар ўз шаҳарларини севадиган инсонларнинг нашридир» деган сўзлар ҳам тез-тез эшитилиб қолади. Шундай қилиб, «Оқшом» газеталари тахририяти почта бўлиmlларининг жонқуяр ходимлари учун махсус танловни эълон қилишга қарор қилди. Айтмоқчимизки, пойтахтнинг «Оқшом» газеталарига обуна мавсуми кезларида қайси почта бўлими кўп миқдорда обуна ташкил этса уни қимматбаҳо совғалар кутади.

Янги — 2004 йилда «Оқшом» билан бирга бўлинг!

**Ижтисоқийёт**

**100 НОМДАГИ МАХСУЛОТ**

Бугунги кунга келиб мамлакатимиз мебель ишлаб чиқариш санаятида ўз ўрнига эга бўлган «Файз» холдинг компаниясида 100 номдаги замонавий конструкция ва дизайндаги махсулотлар ишлаб чиқарилмоқда.

Бунда, албатта холдинг компания тарихига кирувчи 29 та корхонанинг ўзига яраша ҳисса бор. Ана шулардан 10 таси кўшма корхоналар бўлиб, қолганлари эса кичик ва ўрта бизнес субъектлари саналади. Шу билан биргаликда компаниянинг юртимизда қатор фирма савдо шохобчалари ташкил этилган бўлиб, уларда харидорларга турли мебель махсулотларини тавсия этиш баробарида жойларга етказиб бериш ва ўрнатиш хизматлари ҳам ташкил этилган.

Биргина ўтган икки йил мубайнида компанияда 11744,2 миллион сўмлик товар махсулотлари ишлаб чиқарилган бўлса, шундан 10854,1 миллион сўмлик халқ истеъмолчи моллари ва 8255,1 миллион сўмлик эса мебель махсулотларидир. Бу мамлакатимизда жами ишлаб чиқарилган мебелларнинг 27 фоизини ташкил этади.

Ўтган 2002 йилда махсулот экспорти ҳажми 1150 минг АҚШ долларини ташкил этиб, бу аввалги йилдан 2 баравар кўпдир. Жорий йил якунига ушбу рақам 1250 минг АҚШ долларини ташкил этиши мўлжалланган. Албатта, бу борада корхоналар цехларига ўрнатилган янги технологик линияларнинг унуми, янги махсулот турларининг яратилиши, хориж бозорини ўрганиш яхши самара бермоқда.

Компания корхоналарида тайёрланаётган махсулотлар — ошхона, корпус, ётоқхона, офис, мактаб, тиббиёт, болалар, спорт мебеллари, ортопедик тўшакли каравотлар, юмшоқ мебеллар учун қоплаш матолари, хўжалик гугуртлари ва бошқа махсулотлар сифати билан нафақат ички, балки ташқи бозорда ҳам харидорни қўлдирди. Бунинг асосий боиси сифатга эътибор ва тадбиркорларнинг ўз мақсадлари йўлида тинмай изланаётганидир.

**РАНГЛИ ТЕЛЕВИЗОРЛАР**

Пойтахтимиздаги «Фотон» акциядорлик жамиятида махсулотнинг бозориги турларини ишлаб чиқаришга эътибор қаратилмоқда.

Корхонада асосан ярим ўтказгичлар, электрон касса-назорат ускуналари, рангли телевизорлар ҳамда турли халқ истеъмолчи моллари ишлаб чиқариши йўлга қўйилган. Кейинги йилларда эса бўйини ўрганиш асосида хориждан келтирилган махсулот ўрнини босадиган рақобатбардор товарларни тайёрлашга мўҳим эътибор билан ёндошилаётгани самара бермоқда. Корхонада тайёрланган электр токини иқтисод қиладиган лампалар, мактаблар учун электротехника ва радиотехника асосларини ўрганиш учун ўқув қўланмаси ана шулар жумласидандир. Шунингдек, йилларда чўпон-чўлиқларга қўй келадиган, маший хизмат учун ишлатиладиган қўёш батареяси ҳам муваффақиятли синовдан ўтди. Ушбу ускуна ёрдамида чўпонлар телевизор томоша қилишлари, чой қайнатишлари ва ёруғда ташишлари мумкин.

«Фотон»да яқин кунда тайёрланаётган 4 турдаги «FT» рангли телевизорлари ҳам сифати билан ажралаб туради. Махсулотнинг кафолат мuddати 3 йилни ташкил этади. Асосий бутловчи қисмлар Жанубий Кореядан келтирилган бўлса, келгусида уларнинг 30 фоизи корхонада тайёрланиши ҳам режалаштирилган.

Дилюза ФИЁСОВА

**Конституцияниз яшамокда ва аман қилмоқда**

Истиқлолимиз дастури, ҳаётимизнинг йўлчи юлдузи бўлган Конституциямизнинг ўн бир йиллигига бағишлаб салобатли, мухташам «Туркислон» саройида бўлиб ўтган байрам тадбирларига мамлакатимизнинг ҳар бир гўшаси, ўқув муассасалари, корхона ва ташкилотларида Асосий Қонунимизга бағишланган турли тадбирлар, кечалар, илмий-амалий анжуманлар улаиб кетди. Уларда Конституциямизнинг мазмун-моҳиятини, мустақил давлатимизнинг ҳуқуқий пойдеворини мустаҳкамлашдаги роли, инсонни улуғлаш, унинг эркин равиқ топиши учун реал шарт-шароитлар яратилганлигига алоҳида эътибор бериб ўтилмоқда. Ана шундай тадбирлардан бири, аниқроқ Конституция ҳафталиги Тошкент автомобиль йўллар коллежида бўлиб ўтди.

Ушбу ўқув даргоҳида Ўзбекистон Конституциясини ўрганишга, унинг мақсад ва вазифалари, моҳияти ва мазмунини чуқур ўзлаштиришга мўҳим аҳамият қаратилади. Айниқса, давлатимиз раҳбарининг 2001 йил 4 январдаги «Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида»ги Фармойишидан сўнг бу борада қилинаётган ишларда сифат ўзгаришларига эришилмоқда. Чунинчи, коллеж «Ижтимоий фанлар» кафедраси ўқувчилари томонидан Бош Қонунимиз юзасидан ўқувчиларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш борасида самарали саъй-ҳаракатлар амалга оширилмоқда. Улар ўқувчиларимиз онгига мустақил мамлакатимизнинг барча фуқаролари, шу жумладан, ёшларимиз ҳам Конституцияни тўла ўрганган, уни ўзлаштириб олса, моҳиятини чуқур тушунса давлатимизнинг буюкликка томон ташлаётган қадами янада илдамлашиши, юртимизнинг иқтисодий, сиёсий, маънавий, ҳуқуқий ривожланиши янада юксалиши тўғрисидаги фикрни сингдириб боришда ўқув-тарбия ишининг турли шакл ва усулларидан самарали фойдаланмоқдалар. Бу борада ўқув юртида ўтказилаётган «Бахтимиз Қомуси», «Конституция бизга нима берди?»

«Ўзбекистон Конституцияси — ҳаётимизнинг кундалиқ қўланмаси», «Демократик жамият асоси», «Қонунларимиз пойдевори», «Сиз Конституцияни биласизми?» мавзусида ўтказиб келинаётган турли учрашув ва давра суҳбатлари алоҳида

бошланғич ташкилотининг қоллеж ҳуқуқшунос ўқитувчилари билан биргаликда олиб бораётган фаолияти ибратлидир. «Қамолот»чиларнинг коллеж ўқитувчилари Ёқутжан Қамоллова ва Мунисахон Абдужабборов ва билан ҳамкорликда ўқув юр-

тет ҳовлисида ободонлаштириш ишлари олиб борилди, ҳовли ва майдончада кузги-киши мавсумий ишлар бажарилиб, баҳор мавсумига тахт қилиб қўйилди. Дарахларнинг буталаниб, йўлчаларини ҳошияларининг оқланиши ҳовли кўркига кўрк қўшди.

— Конституция ҳафталигини ўтказиш билан бу борадаги ишимиз тўхтамайди, — дейди коллеж директорининг ўқув ишлари бўйича биринчи ўринбосари Равшан Ҳикматов. — Аввало, биз «Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини ўрганиш» курсини ўқувчиларимиз томонидан пухта ўзлаштирилишига ҳаракат қилмоқдамиз. Шу билан бир қаторда ўқувчиларнинг ҳуқуқий саводхонлигини оширишга эътибор бераёلمиз.

Ҳақиқатан ҳам, Юртбошимиз таъкидлаганларидек, «Жамият ҳаётининг мезони бўлган Конституцияни чуқур ва ҳар томонлама ўрганишимиз, унинг маъносига етиб бориб, ҳаётимизнинг доимий қўланмасига айлантиришимиз лозим». Бу борада биз ҳикоя қилган ўқув юртида амалга оширилаётган ишлар яхши самара бериши шубҳасиздир.

Шавкат ЁҚУБОВ

**АСОСИЙ ҚОНУНИМИЗНИ ЎРГАНАМИЗ**

аҳамият касб этмоқда. Бундай учрашув ва тадбирлар коллежда барча ўқувчи ёшлар учун эълон қилинган Конституция ҳафталиги ва «Конституцияонлик» кунлари мундаражасидан жой олди. Унга мувофиқ яна коллежда Асосий Қонунимизга бағишланган ва уни тараннум этувчи деворий газеталар, ўқувчиларнинг реферат ва ишлолари танловлари ўтказилди.

— Ушбу кўрик-танловларни ўтказишдан мақсад, — дейди ўқув юрти ижтимоий фанлар кафедраси мудираси Дилором Матчоновна, — ўқувчиларимизнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш, уларда мамлакатимиз Конституциясига бўлган ҳурмат ва эътиборни янада юксалтиришдир.

Конституциямизни ўқувчилар ўртасида тарғиб ва ташвиқ қилишда «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ўқув юрти

тининг ҳар иккала факультетида икки кун мобайнида ўтказиладиган байрам тадбирлари Конституция ҳафталигига яқун ясади. Ўз ўқитувчилари раҳбарлигида ўқувчилар томонидан Конституция моддаларига бағишланиб тайёрланган адабий-баддий композиция, сахна кўринишлари тадбир қатнашчиларида катта таассурот қолдирди. Тадбир якунида энг яхши деворий газета ва энг яхши реферат учун ўтказилган кўрик-танловнинг ғолиблари эълон қилинди.

Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш лозимки, Конституция ҳафталигини ўтказишга Рашид Маҳкаммов раҳбарлик қилган «Автомобиль транспортда юк ташини ташкил этиш ва ҳаракатни бошқариш» факультети алоҳида тайёргарлик кўрди. Бу ерда улғ сана шарафига ўқувчиларнинг бундан вақтларида байрам ҳашари ўтказилиб, факультетининг

таъкидлаганларидек, «Жамият ҳаётининг мезони бўлган Конституцияни чуқур ва ҳар томонлама ўрганишимиз, унинг маъносига етиб бориб, ҳаётимизнинг доимий қўланмасига айлантиришимиз лозим». Бу борада биз ҳикоя қилган ўқув юртида амалга оширилаётган ишлар яхши самара бериши шубҳасиздир.

Шавкат ЁҚУБОВ

**ДЕМОКРАТИЯ МАҚСАБИ**

Шуни қувонарлики, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳақиқий демократизм, ижтимоий адолат, ошқоралик, инсонпарварлик, маҳаллий аҳамиятта молик масалаларни ечишда мустақиллик, жамоатчилик асосидаги ўзаро ёрдам каби таъминловчи асосида фаолият кўрсатмоқдалар.

Сайловларда Ўзбекистон Республикасидаги ҳамма маҳалла оқсоқоллари «Обод маҳалла йили»да қабул қилинган дастурни амалга ошираётганликлари, ижтимоий ҳимояга муҳтож, кам таъминланган оилаларни, яқна-ёғиз қарияларни моддий қўллаб-қувватлаётганликлари, маҳалла ободончилигига қўшаётган

маҳалла оқсоқоли Мамаасодик Хусаинов ўз маърузасида ўтган икки ярим йил ичида бажарилган ва бажариллиши лозим бўлган ишлар тўғрисида батафсил ҳисоб бериб. Лекин ҳали ечимини кутаётган вазифалар ҳам талайгина эканлиги ойдинлашди. Чунки маҳалла ҳудудиди ободонлаштириш ишларидан тортиб, кам таъминланган оилалар ва яқна-ёғиз кексаларга моддий ёрдам кўрсатилиши, тўй-ҳашамлар, турли маросимларни тартибли ва исрофгарчиликка йўл қўймайдиган ҳолда ўтказиш, оила-маҳалла-мактаб тизимидаги муаммолар қай даражада амалга оширилаётганлиги, тадбиркорлар ва ишбилармонлар билан тузилган шартномаларнинг бажарилиши, маҳалладошларнинг иссиқ-совуғидан қай даражада ҳабар олиб турилаётганлиги, таълим-тарбия борасидаги вазифалар тўғрисида далиллар билан ҳисоб берилиши

**МАҲАЛЛА — КАТТА КУЧ**

Айни шу кунларда республикамизнинг бутун ҳудудлари, хусусан, пойтахтимизнинг ўзидагина тўрт юз элликта маҳаллада ҳисобот-сайлов йиғилишлари очик ва ошқоралик руҳида давом этмоқда.

Хўлбуки, ҳаммамиз учун биргина зғу ният ва мақсад: маҳалла оқсоқоли қанчалик оқил ва адолатпарвар, маданиятли ва маънавиятли, жамики инсоний вазифаларга эгаси бўлса, ҳамма-ҳаммин бирдек кўра оладиган, каттага ҳурмат, кичика иззатда бўладиган, ишбилармон ва тадбиркор бўлса айни муаждир. Бундай маҳаллада, албатта, аҳолининг ижтимоий-сиёсий муҳофазаси яхшиланида, жиноятчилик қамаяди, маҳалла ҳудуди гуллаб-яшнайдди. Шунинг учун зғуликка бошловчи, яхшилиққа етакловчи маҳалла оқсоқоли ҳар доим холисона савобли ишларни қилишни ўзининг виждоний, йимоний бурчи, деб билиши лозим.

Кунки кеча Акмал Икромов туманидаги Ойбек номидаги маҳаллада ҳам ҳисобот-сайлов йиғилиши бўлиб ўтди. Ошқоралик руҳида ўтган ушбу йиғилишда

шига қарамай, ҳали олдинда кўпгина ишлар, вазифалар ва турли хил тадбирлар амалга оширилишини талаб даражасига кўтариш зарурлиги ҳам алоҳида таъкидланди.

Тафтиш комиссияси раиси Шоазиз Шомахмудовнинг ҳисоботи маълумот учун қабул қилинди. Маҳалла фаолиятида қамчиликлар бўлишига қарамай, ҳисобот «қоникарли» баҳоланган бўлса-да, маҳалла оқсоқолининг илтимосига кўра оқсоқолнинг кексалиги туфайли бошқа номзод қўйилиши маъқул қўрилди.

Оқсоқол лавозимига кўрсатилган номзодлар муҳокамаси алоҳида диққат-эътиборни жалб этди. Чунки маҳалла фуқаролар йиғини раислигига номзод қилиб олти нафар киши кўрсатилган эди. Уларнинг ҳар бири синчковлик билан ўрганиб чиқилиб, улардан икки нафари сайлов вакиллари муҳокамаси ихтиёрига тавсия этилди. Кўпчилик овоз билан ҳар тарафлама обрў-эътиборли, йимон-эътиқодли Каримберди Ризаев оқсоқолликка сайланди.

Янги оқсоқол маҳалла фаоллари ва вақолат эгаларини маҳалла олдида турган энг долзарб вазифалар, муаммолар ечими ҳақидаги дастури билан батафсил таништирди.

Суннатилла РИЗАЕВ

**МАҲАЛЛИЙ МАХСУЛОТЛАР ЯРМАРКАСИ**

«Ўзкўрғазмасавдо»да мамлакатимизда ишлаб чиқарилган ноозиқ овқат товарлар улгуржи ярмаркаси очилди.

Ички бозорни маҳаллий махсулотлар тўлдирish — миллий валюта барқарорлигини таъминлаш ва аҳоли турмуш даражасини янада оширишнинг асосий шартларидандир. Бу борада Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 13 январда қабул қилинган «Ярмарка савдосини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори мўҳим аҳамият касб этади.

Ярмаркада 140 дан ортиқ корхонанинг 4 мингдан зиёд — умумий қиймати 365 миллиард сўмлик махсулоти намойиш этилмоқда.

Ишлаб чиқариш ва савдо ташкилотлари томонидан 2004 йилда аҳолига етказиб бериладиган мебель, маданий-маший, хўжалик ва бошқа истеъмол товарларига шу ернинг ўзида шартномалар имзоланади.

Ярмарканинг очилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари М.Усмонов иштирок этди.

ЎЗА

**Маънавий****«НИШОНА»НИНГ  
ИЛК ТЎПЛАМИ**

Республикада олий ўқув юртралида бўлгани каби Тошкент педиатрия тиббиёт институти ҳам ўзининг кўп нусхали матбуотига эга. «Педиатр» деб номланган ушбу газета институт меҳнат жамоаси наشري сифатида чоп этиб келинмоқда. Мана шунга ҳам ўттиз йилдан ошди.

Олий ўқув юртининг таълимий, илмий-педагогик фаолияти газета саҳифаларида кенг ёритиб борилаётди. «Педиатр»нинг ўз вақтида мазмунли чиқишини таъминлаш учун институт ректорати, илмий кенгаши етарли шарт-шароитлар яратиш бермоқда. Ўзбек тили кафедрасининг мудири олима Кавсар Турдиева тахририятнинг масъул раҳбари сифатида жонбозлик кўрсатмоқда.

— Талабаларимиз ҳам газетамизнинг жонкуяр фаолларига айланган, — дейди К.Турдиева. — Уларнинг кўпчилиги ижодкор ёшлар. Шу сабабли ҳам газета саҳифаларида ёритилаётган хабар, мақола, ҳикоя ва шеърлар кўпинча уларнинг ижодига мансуб.

Бундай ижодий муҳит ўз ижобий натижаларини бермоқда. Газета ҳузурда «Нишона» тўғрагининг юзага келиши ҳам беҳиз эмас.

Мана ўн йилдики, истеъдодли ёшларнинг бу тўғраги фаолият кўрсатиб келмоқда.

Газета тахририяти саъй-ҳаракати билан тўғрақ аъзолари иштирокида турли адабий кечалар, учрашувлар, давра суҳбатлари ўтказилмоқда. Қатор сахна томошалари ҳам кўрсатилди. Ўзбек халқ эртаги «Зумрад ва Қиммат» постановкаси эса махсус мактаб-интернатларда намоиш этилди. Тошкентдаги ногирон болалар интернатида уюштирилган давра суҳбатига мазкур спектакль ҳам кўрсатилди.

Газета яна бир хайрли ишнинг ташаббускори бўлди. Тўғрақ аъзоларининг «Ушбу куйлаётган ёшлиқнинг тори» деб номланган адабий тўплами босилиб чиқди.

Ушбу нишона нашрдан Бахтиёр Шеркулов, Нодира Омонова, Адолат Худойбергана, Хасан Ўсаров каби ёш шоирларнинг сараланган энг яхши ижод намуналари ўрин олди. Она диёримизни мадҳ этувчи ҳароратли шеърларни ўқиган талаба ёшларда ҳам Ватан туйғуси жўш уриб, уларни қўлларига қалам олишга илҳомлантирмоқда.

**Акбар АЛИЕВ****Диктант, янгилик!****ТАЛАБАЛАРГА ЯНА БИР ИМТИЁЗ**

Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети раҳбарияти ҳамда университет талабалар касабга уюشمаси кўмитаси ҳамкорликда навбатдаги ташаббус билан чиқди. Талабалар кўни муносабати билан университет ректори чиқарган қарорига биноан 17 ноябрдан бошлаб, ётоқхоналарда яшовчи талабаларга имтиёзли «Кечки овқат учун рухсатнома» жорий қилинди. Ушбу тадбир июнь ойига қўйилган бўлиб, уни амалга оширишни Талабалар шахарчасидаги «Ёшлик» қаҳвахонаси ходимлари ўз зиммасига олди.

Имтиёзли кечки овқатланиш тадбири учун университетнинг бюджетдан ташқари маблағи ҳисобидан 15 миллион сўм ажратилган бўлиб ҳар битта ётоқхонадан 50 та, жами 300 та талабага ойлик овқат чиптаси тарқатилди.

— Кечки овқат учун рухсатнома кам таъминланган, моддий қийналган талабаларга мўлжалланган, — дейди университет касабга уюشمаси кўмитаси раиси Шерзод Жўраев. — Мақсадимиз ётоқхоналарда ис-

тиқомат қилаётган ижтимоий муҳофазаси ночор талабаларга енгиллик яратиш. Агар бу усул ижобий натижа берса, уни келгуси ўқув йили учун ҳам жорий этмоқчимиз. Иккуниятдан келиб чиқиб, овқатланишни икки маҳалга айлантириш ниятимиз ҳам йўқ эмас.

Тайёрланаётган овқатлар солиқдан озод қилинган ҳолда талаба умумий сумманинг 40 фоизини тўлайди. Қолган 60 фоизи университет томонидан тўланади.



Кишининг ҳам ўз зийнати бор.

**Дундаги гашар****МИННАТЛИ ОШДА МАЗЗА ЙЎҚ**

Ота-оналик энг улғу мартабалардан бири. Бир этак фарзанд ўстираётган, уларнинг минг хил ташвишлари орасида боши қотган одамлар баъзан дафъатан бу мартабанинг кадр-қимматини у қадр англаб етмасликлари мумкин. Аммо битта тирноққа зор оилаларни кўрганда ёки (Худо қўрсатмасин) ёлғиз зурриёдидан айрилиб ҳаётнинг бутун маъносини йўқотган кишилар қаршида фарзанди борлик нечоғлик улкан бахт эканлиги яққол намойиш бўлади. Аммо инсон банди-да, унинг яхши ишлари орасида хатолари ҳам бор.

— Кўриб турибсизлар, кечани кеча, кундузни кундуз демай отанг иккаламиз югуриб-еламиз. Сенлар бировнинг кўзига, қўлига термулмагин, деймиз. Узимизга йил — ўн икки ой бир ип пайпоқ сотиб олишга кўзимиз қиймайди. Сенларга ҳар фаслда янги кийим керак, — дея жавраётган оналарни эшитамиз. Рост, онага осон эмас. Аммо дастурхонга овқат келганда:

— Ол, емайсанми энди, сенларни есин деб ўзимиз қаттиқ нон қовшаймиз, билиш керак, бунди, — дея таъна қилавериш болаларнинг дилчини оғритади.

Бир воқеадан хабардорман. Ота-она ўглини тутилган кунига орзу-ҳавас билан жинси шим олиб беришади. Бола севиниб мактабга кийиб кетади. Тасодиф-да, троллейбусдан тушаётган эшикнинг жойидан кўчган темирига илиниб йиртилиб кетади. Кўзда ёш билан келган ўсимир боландан воқеани эшитган она жазавага тушади:

— Белинг оғриб топмагансан-да пулни. Машина устида ўтиравериш елкаларини қотиб кетади, кўзимнинг нури қолмаятми сизлар ҳеч кимдан кам бўлманглар деб.

— Ойижон атайлаб қилмадим-ку...

— Кўзингга қараб юрсанг ўласанми?

Ўсимир айна ўзарувчан ёшда эди, онанинг гапларини, қаришшу сўкишларини қабул қила олмайди. Уйдан чиқиб кетди.

**Тиббиёт**

Республикада «Сен ёлғиз эмассан» жамғармаси йўлланмаси билан муҳим тиббий тадбир ўтказишга киришилди. Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан амалга оширилаётган бу жараёнда меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари ҳам тиббий кўриқдан ўтказилмоқда.

**ИНСТИТУТ КЛИНИКАСИ ФАОЛЛИГИДА**

Тошкент педиатрия-тиббиёт институтининг клиник касалхонаси ушбу ақция учун асосий негиз этиб танланди. Бу беҳиз эмас, албатта. Зеро, бу клиника энг замонавий текшириш ва даволаш техник аппаратларига эга. Айнақса, тери-таносил, жароҳлик, томоқ, бурун хасталиклари кафедраларида батафсил текширувлар амалга оширилмоқда. Шу сабабли институтнинг педиатр, фти-

...Она жаҳудан тушиб ўглини излай бошлади, аммо топилмади. Бир кун кутди, икки кун... Қариндошлари, ўртоқлариникига югурди. Бир ҳафтадан сўнг каналдан жасади тоғилди...

Албатта, ота-оналар ўзлари меҳнат қилиб тоғган бўюм, озиқ-овқатларни эҳтиёт қилиш, кадрлаш, исроф қилмасликка ўргатишлари керак. Фақат миннат қилиб эмас. Ахир, ўзи ҳам қачонлардир бола бўлган. Унга ҳам ота-онаси ўз ризқу-насибидан қўриқиб бўлсам едириб-ичирган, кийдирган. Бу ота-оналик бурчи. Агар шуни қилмаса, боласини мултиратиб, ўзи еб-ичса ёки ўзи ранг-баранг кийиниб, боласига: — «Хали бутун умри олдинда, ўзи пул тоғганда кийинади», — деса ота-оналик бурчига хиёнат қилган бўлади-ку.

...Оила бир дастурхон атрофида тўпланганда бизда азал-азалдан халқ дostonлари, эртақлари, ибратли ривоятларни ўқиб бериш расм бўлган. Ҳозир кўпинча ҳамма телевизорга термулиб ўтиради, ўқиш, китобдан ибрат олишга эскича, даври ўтган, деган қараш ҳам йўқ эмас.

Аслида худди ўша ибратли ривоятлар, воқеаларда болалар дилига оғир тегмайдиган, тушунтириш, изоҳ билан дилига етиб борадиган ибрат бўлади. Ибрат, намуна ҳаммаша замонавийдир.

**Қутлибека РАҲИМБОЕВА**

Масалан, 1 кишилик овқат 500 сўм тўради дейлик. Чой, нон салати билан 650 сўмга тушади. Бу сумма тарифдан озод қилинганда 500 сўмни ташкил этиши мумкин. Ана шу 500 сўмнинг 40 фоизи, яъни 200 сўмигина талаба томонидан тўланади. Бунда талаба ўша куннинг санаси қайд этилган рухсатнома бўлагини қирқиб олиб ошпазга бериши керак. Сўнг белгиланган 200 сўмни тўлаб, овқатни олаверади.

Яратилган бундай қулай шароитдан жуда мамнун бўлган талабаларни бу имконият бир қанча муаммолардан халос қилди. Энг муҳими овқат тайёрлашга кетадиган вақтларини ҳам дарс тайёрлашга сарфлайдиган бўлишиди.

Бизнингча бу ташаббусни бошқа олий ўқув юртрали ҳам қўллаб-қувватласа мақсадга мувофиқ бўлар эди. Чунки ҳар қандай вазиятда ҳам талаба ҳаммаша имтиёзга муҳтождир.

**Нигора ТҲАМАТОВА****Шакловлар****ЭНГ ОБОД МАҲАЛЛА**

Маҳаллаларда, шу жумладан кўп қаватли уйлاردан ташкил топган маҳаллаларда яшовчи аҳолининг санитар-экологик маданиятини ошириш, барқарор ривожланиш бўйича Бутунжаҳон саммитида кўтарилган гоъларни амалга ошириш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларига маҳалла ахлини кенгроқ жалб қилиш ва улар орасида маънавий-маърифий ишларни такомиллаштириш, умуман мамлакатимизнинг барқарор ривожланишида маҳалланинг ўрни янада кўтариш, тўй-маъракаларни ихчамлаштириш, исрофгарчиликнинг олдини олиш, ёшларни миллий қадриятлар асосида тарбиялаш мақсадида «Экосан» Халқаро жамғармаси ташаббуси билан Республика хотин-қизлар кўмитаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Табиати муҳофазга қилиш Давлат кўмитаси, «Ўзкоммунизмат» агентлиги, Ўзтелерадиокомпанияси ҳамкорлигида «Энг обод маҳалла» кўрик-танловини ўтказди.

Танлов Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги маҳаллалар ўртасида 3 босқичда ўтказилиб, биринчи босқич Наврўз байрамига, иккинчи босқич — Бутунжаҳон атроф-муҳит кунига ва яқунловчи босқич — Мустақиллик байрами ва Конституция кунига бағишланди.

Яқинда «Экосан» Халқаро жамғармасида кўрик-танловнинг учинчи босқич голибларини эълон қилиш ва тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Танловга тақдим этилган маълумотлар пухта ўрганиб чиқилди. Унга кўра маҳаллаларда олиб борилаётган маънавий, тарбиявий, экологик ва бошқа соҳалардаги ишлар, шунингдек, маҳалланинг санитар-экологик ҳолати, аҳолининг тоза ичимлик суви, газ ва электр энергияси ҳамда коммунал хизматлари билан таъминланганлиги, хонадонларга сув ва газ ўлчағич мосламаларнинг ўрнатилганлиги, чиқиндилар масаласи тартибга келтирилганлиги, қувурлар тармоғи ёки оқова сувлар учун ўраларнинг мавжудлиги, маҳалла худудининг ободонлаштирилганлиги, ёшлар орасида олиб борилаётган тарбиявий ишларга алоҳида эътибор қаратилди. Ташкилий кўмитага келиб тушган ҳужжатлар кўрик-танлов Низом шартларида белгиланган мезонлар асосида ишчи гуруҳ томонидан кўриб чиқилди ва 10 баллик тизимда баҳоланди. «Энг обод маҳалла» Республика экологик кўрик-танловининг Ўзбекистон Мустақиллиги ва Конституция кунига бағишланган босқич голиби Фаргона вилояти Марғилон шаҳар «Янги боғ» маҳалласи деб топилди ва 3 миллион сўм миқдоридида пул маблағи голиб маҳалла ҳисоб рақамига ўтказилди.

**Орзугул РУСТАМОВА****Акбар ЙҮЛДОШЕВ**

Мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш, соғлом авлодни воёга етказишга катта эътибор берилаяпти. Хар томонлама ривожланган, энг муҳими, ҳам маънавий, ҳам жисмонан камол топган замонавий инсонларни тарбиялашда оммавий спорт ва жисмоний тарбиядан кенг фойдаланилмоқда.

Ортимизда жисмоний тарбия ва спорт миллий саломатликнинг гарови деб қабул қилинган экан, халқимиз соғлом, тўқ ва келажаги руҳан тетик ҳамда порлоқ бўлишига исбот талаб этилмайди. Албатта, ёш авлодни жисмоний жиҳатдан чиниққан ва спортга ошно этиб тарбиялашда етакчи мураббий, спорт фахрийларининг бой тажрибалари кўл келади. Бизнинг Ўзбекистонда хизмат кўрсатган мураббий, халқаро тоифадаги спорт устаси, I даражали «Соғлом авлод учун» ордени нишондори», эфир атлетика бўйича жаҳон ва Европа рекордчиси Эркин КАРИМОВ билан суҳбатимиз ҳам ёшларимизни соғлом, баркамол ва чиниққан ҳолда воёга етказишнинг ўзига хос «сирлари»га бағишланди.

— Эркин Шамсиевич, айтингчи, келажак авлодга жисмоний тарбия илмини беришда биринчи навбатда нималарга эътибор қаратиш керак?

— Буюк олим, атом ихтирочиси Альберт Эйнштейннинг «Хар бир ўлканинг келажаги шу ўлканинг тарбия йўлини қандай танлашига боғлиқ» деган сермазмун сўзи айнан бизнинг ўлкамизда, бугунги кунда кўп қиррали умумий тарбиянинг спорт ва жисмоний тарбия билан узвий боғлиқ ҳолда олиб борилаётганлигида ўз ифодасини топмоқда.

Мустақиллик йилларида кўплаб ёшларимизнинг халқаро мусобақаларда эришилаётган ютуқлари ҳаммамизни қувонтиради. Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Президенти Исмоил Каримовнинг «Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида»ги Фармониди белгилаб берилган вазифаларни тўла-тўқис, юксак даражада бажариш учун ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ жисмоний тарбия ва спорт соҳасини маромида ўзлаштирган юксак маданиятли, ёшлар-

ни ўз ортдан эргаштира биладиган, тажрибали, юқори малакали ўқитувчи-педагог, мураббий-устоз (ёшидан қатъи назар) каби кадрларга бўлган эътиёб кучайиб, ҳаётий заруратга айланиб бораёпти.

Тарбия — ниҳоятда мураккаб, оғир ва жуда нозик масала эканлиги аён. «Бешикдан қабргача илм изла», деган ҳикмат бор халқимизда. Жисмоний тарбия илми эса бешикдангина эмас, балки боланинг она қорнида пайдо бўлганидан бошлаб, кексалик чоғида ҳам давомийлигини таъминлаш лозимлигини олимларимиз илмий жиҳатдан исботлаб берганликларини кўпчилик билади.

Янги дунёга келган чақалоқни кўз олдимишга келтирайлик. У нимага муҳтож? Айта олмайди, чиниқиб йиғлайди. Лекин, сиз билан бизга маълумки у она сийнасида озиқланишга, қорни тўйгач эса чўмилишига, қўлчалари ва оёқчаларини силаб-сыйпалаб (икки ёнга, бош ва оёқлар томонга очиб-ёпиб, кўтариб-тушириб) бадантарбия машқлари билан шугуллантиришимизга муҳтож. Белидан боши томонга қарата уқалаш болада қон айланиш тизими фаолиятини тезлаштириб, умуртқа поғонасининг узун мускулчаларини шакллантиришда ёрдам беради. Терисининг қаршилигини, яъни ташқи муҳит таъсиридан муҳофаза сифатини тарбиялайди, чиниктиради.

Энди боқоқалонлик даври ҳақида сўзламоқчи бўлсак, 80 ёшга бораётган академик Жўра Абдуллаевнинг тилга олиш жоизки, бу олижаноб инсон йил-12 ой жисмоний тарбия ва спортни қанда қилмайди. Хафтада 5 марта стадионда югуриш-юрш ва жисмоний юкланиш машғулотлари билан шугуллансалар, икки кунда эрта-лабки гимнастик машқлар билан шугулланиш билан ки-фояланадилар. Мана сизга умрбоқийлик, Жўра Абдуллаевни кўрган киши уларга ҳавас билан қарайди. (60 ёшга бормаган бўлса керак деб ўйлайди). Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Бола тарбиясига қайтсак, ўрта махсус ва олий ўқув юрларида олиб бориладиган жисмоний тарбия дарслари ва машғулотлари жараёнида ўқувчи-талабаларга «Бўлажак ота, бўлажак она бола тарбиясида нималарни

билиши керак?» тушунчаларини ўргатиш ва ўқитиш лозим. Бадан, жисмоний тарбия ва спорт ҳаётий зарурат эканлигини тушушун ҳолда бу ишларни оила, маҳалла, боғча, мактаб, ўрта махсус ва олий ўқув юрларида тубдан яхшилашни вақт тақозо этмоқда. Шунинг учун тасарруфида олий ўқув юрлари, ўрта махсус билим даргоҳлари ва мактаб, гимназия ва боғчалари бўлган базирлик ҳамда ташкилотлар жисмоний тарбия ва спорт бўйича машғулотларнинг амалда қандай ўтказилаётганлигини текшириб ва таҳлил этиб уларнинг дастури ва режаларини кўриб чиқиб, замон талаблар-

## Музоаба ТЕТИКЛИК ВА БАРКАМОЛЛИК САРИ

рига жавоб бера оладиган даражага кўтаришлари лозим. Шаҳримизнинг айрим туманларида барпо этилган ёки таъмирланган спорт иншоотлари билан қоникмасдан бутун жамоатчиликни оёққа тургазиб барча маҳаллаларда бу эзгу мақсадни амалга ошириш учун шиддат билан киришиш ҳамманинг вазифаси бўлмоғи лозим.

Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Вазирлик кенгашининг мажлисида мухтарам Президентимиз билан болаларда жисмоний тарбияга меҳр, интилиш уйғотиш, уларни спортнинг сеҳрли оламига олиб кириш юртимиз фуқароларининг кундалик вазифаси эканлигини ўқитиб ўтганлиги ҳавоно, бекор гап эмас.

Кенгаш мажлисида ўқитилаётган жисмоний тарбия дарсларининг савиясини ошириш масаласига тўхталиб, мактаб ва маҳалла оқсоқоли ҳамкорлиги мустақиллаш, оилавий мусобақалар ташкил этиш лозим, ага эътибор қаратилди.

Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси спорт

иншоотлари ҳақида маълумотномалар тўплаб галдаги вазифаларни бажаришни бошлаб юборди. Республикамининг 8 та вазирлик ва ташкилотлари томонидан катта маҳорат ва ижодкорлик билан ишлаб чиқилган «Ўзбекистон аҳолисининг саломатлик ва жисмоний тайёргарлик даражасини белгилаб берувчи «Алпомш» ва «Барчиной» махсус терст синовларини жорий этиш тўғрисида»ги қўшма қарор сирловларини масъулият билан мунтазам равишда ҳаётга татбиқ этилишининг давомийлигини давомийлаштиришга мақсадимизга эришамиз.

Боланинг йўргакданоқ иймонли, эътиқодли, меҳроқибатли, меҳнатсевар, ватанпарвар, одоб-ахлоқли ва жисмонан бардам-бақувват бўлиб тарбияланиши ота-она, маҳалла-кўй, қўни-қўшиллар билан бирга малакали боғча тарбиячиси, мактаб ўқитувчилари, олий ва ўрта махсус билим даргоҳлари педагог-ўқитувчилари ҳамда устоз-мураббийларга кўп жиҳатдан боғлиқ.

Яқинда бир гуруҳ болалар ва ёшларимизнинг қабристонда қабрлар устида мол боқиб, ўзлари эса сигарет-нос чекиб ўтирганларининг гувоҳи бўлидим. Маълум муддат одоб-ахлоқ, марҳумларга нисбатан ҳурмат ҳақида суҳбатлашганимиздан сўнг ҳалиги ёшлар бош эгиб молларини ҳайдаб тарқалишди. Не кўз билан кўрайки орадан 10-15 дақиқа ўтгандан кейин узоқдан айланаб ўтиб қарасам, ўша болалар яна қабристонда мол боқиларини давом эттираятилар. Қалбим ўртаниб кетди. Сўзларимнинг зое кетганидан қаттиқ изтироб чекдим. Ўша қабристондан ҳамаси 50-60 метрлик нарироқда футболбол майдон бор экан. Шу ялангликда туман ҳокимлигида, спорт жамғармаси ходимлари кўмаги ва раҳнамоллигида болаларнинг ўзлари жалб этиб, ҳашар йўли билан қўлбола спорт мажмуаси ташкил этиб бериладиган бўлса ва улар билан гоҳи-гоҳида турли мавзуларда давра суҳбатлари ўтказиб турилса нур устига аъло нур бўлур эди.

Мустақиллик шарофати билан спортчиларимиз Олимпиада ўйинларининг ғолиби, жаҳон ва Осиё чемпионолари бўлмоқдалар. Ўқувчи-ёшларимиз ҳам шода-шода олтин-кумуш ва бронза медалларини кўлга киритиб ҳа-

лқаро мусобақалардан қувонч билан қайтиб келмоқдалар. Қани энди мана шундай спортчи юлдузларимиз—Муҳаммадқодир Абдуллаев, Карим Тўлаганов, Ўткирбек Хайдаров, Рустам Саидов, Рустам Қосимжонов билан ўқув юрларида ва турли қорхоналарда учрашувлар ўтказиб турилса спортимиз янада раванқ топади, турли ёшдаги инсонларда спортга ҳавас ортади, табиийки улар спорт турлиридан ўзларига мосини танлаб шугуллана бошлашларига шубҳа йўқ.

— Болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида»ги Фармонда болалар спортини буйича устозлар ва педагог кадрларни тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш масаласига катта эътибор берилган...

— Дарҳақиқат, бундай жиддий ва муҳим масалани ҳал қилишда биргина Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси Миллий Олимпия қўмитаси, спорт федерациялари, клуб ва ташкилотлар ҳамкорлиги билан чекланмасдан ўз даврининг илгор мутахассислари бўлган ҳуқуқ биланликлар Наримон Жалолов, Эльмар Аминов, Обид Назиров, Фрунзе Раҳимов, Руфат Рискиев, Эркин Ғиёсов, Сайфуддин Ходиев, профессорлар Фатҳиддин Нарсидинов, Талъат Усмоновжаев, Тўлқин Юнусов, Амир Шамсиев, Раим Каримов каби Ўзбекистон спорт фахрийларининг тажрибалиридан фойдаланилса, чет элларга бориб малака оширишга ҳожат бўлмайди. Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси, Республика Миллий Олимпия қўмитаси ҳамда Болалар спортини ривожлантириш жамғармасига куч-қувватга тўлган ёш-навиқрон кадрларнинг тайинланганлиги қувончли ҳол албатта. Маскур хайрли ишларни энги, янада юксак босқичга кўтариш — ёш авлоднинг соғлом воёга етказишни шу соҳанинг фидойи, меҳр-оқибатли, эзгу, лоқиза, кўп йиллик тажрибага эга бўлган педагог-спорт фахрийларининг ҳам амалий, ҳам назарий ёрдамларисиз тасаввур этиб бўлмайди.

Ҳозирги тинчлиги барқарор мамлакатимиздаги мавжуд айрим муаммолар ҳам ортда қолади. Келажак ёшлариники. Фахрийларимизнинг сай-ҳаракатлари билан ёшларимиз буюк давлатни барпо этишларига эса шубҳа йўқ.


Дилшод ИСРОИЛОВ ёзиб олди.

## «ШАЙХОНТОҲУР XXI» ЖАМОАСИ — БИРИНЧИ ЛИГАДА

Шайхонтоҳур туманининг «Шайхонтоҳур XXI» футбол жамоасини том маънода мустақиллигимиз меваси, десак адашмаймиз. Зеро, 1994 йилда ташкил топган ушбу команда иккинчи лига турнирларида муваффақиятли иштирок этиб, икки марта Тошкент шаҳар ҳокими кубоғи, Мустақиллик Кубоғининг соҳиби бўлди. Уч марта Тошкент шаҳри зонасида биринчи ўринни эгаллаб, биринчи лигага ўтиш турнирларида қатнашди.



Нихоят бу йили жамоанинг омади келди. Уйновчи мураббий Каҳрамон Расулов ва мураббий Темури Олимжоновлар томонидан шакллантирилган, асосан ёшлардан ташкил топган «Шайхонтоҳур XXI» футбол командаси Сурхондарё, Бухоро вилоятлари чемпионолари ва Қорақалпоғистон Республикаси чемпионати ғолиби иштирокида ташкил этилган ўтиш турнирида зафар кўчган ҳолда биринчи лигага йўлланма олди.



Шу тариқа биринчи лигадаги Тошкент шаҳри жамоалари сони иккитатага етди. Яъни «НБУ Осиё» ва «Шайхонтоҳур XXI» келаси мавсумдан биринчи лигада пойтахтимиз шарофтини ҳимоя қилишади.

Утган кўни тумандаги «Санъаткор» чойхонасида «Шайхонтоҳур XXI» футбол жамоасини

эришган муваффақияти билан кутдлаш маросими бўлиб ўтди. Унда ғолиб жамоа футболчи ва мураббийларидан ташқари ўзбек футбол фахрийлари, шаҳар футбол федерациясининг масъул ходимлари ҳам иштирок этди.

— Шу туманда воёга этиб, футболчи бўлиш маросими бўлиб ўтди. Унда ғолиб жамоа футболчи ва мураббийларидан ташқари ўзбек футбол фахрийлари, шаҳар футбол федерациясининг масъул ходимлари ҳам иштирок этди.

акратилган қимматбаҳо совғаларни топширди.

Ўзбекистон халқ артисти Ҳусан Шарипов ҳам ўзига хос қизиқшарли билан тадбирга ўзгача файз қилди.

Биродар Абдураимов ҳар бир футболчига Фахрий ёрлик ва медалларни топширган онлар эса ёш футболчиларнинг ёлидан сирга кўтарилмаси керак.

Хушовод хонандалар ижросида янграган шўх қўшиқлар кўтлаш маросимида ўзига хос тароват бағишлади.

Жамоамиз асосан 1986-1987 йилларда турилган иқтидорли ёшлардан ташкил топган бўлиб, уларнинг кўпчилиги «Пахтакор» футбол мактаби ва Республика Олимпия захи-

ралари коллежи тарбияланувчиларидир, — дейди биз билан суҳбатда команданинг уйновчи мураббийи Каҳрамон Расулов. — Ёш ва тажрибали мураббийларнинг жипслиги эса муваффақиятларимизнинг бош омил бўлди. Алексей Рощин, Бургандин Чобанов, Баҳодир Абдураимов, Алексей Евстафеев, Шавкат Аҳмаджонов, Денис Шулга, Шўхрат Ҳусанов каби турли чизикларда тўп сурувчи етакчи ўйинчилар жамоа ютуқларига катта ҳисса қўшишди. Ниятимиз, келгуси мавсумда ҳам муҳлислар ва мутахассислар ишончини оқлаган ҳолда муносиб ўйин кўрсатишдир.

Дилмурод ИСМОИЛОВ СУРАТЛАРДА: «Шайхонтоҳур XXI» жамоасини тақдирлаш маросимидан лавҳалар. Ҳақимжон Солиҳов олган суратлар.



## Болалар спортини Фарзандлари соғлом юрт қудратли бўлур

Ушбу майдончалар ва залларда мунтазам ва вақти-вақти билан спорт билан шугулланувчи ўсмирлар аниқланди. Жами туман бўйича 53.776 нафар болалар бўлса шулардан: спорт билан вақти-вақти билан шугулланувчилар сони 19.661 тани, яъни 36,5 фоизни, мунтазам шугулланувчилар сони эса 11.670 тани, яъни 21,7 фоизни ташкил қилиши аниқланди.

Туман ҳудудидаги 15 та маҳаллада спорт майдонлари маҳалла фаоллари ва ҳомийлар томонидан таъмирланиб қайта қуриб битказилди.

Тумандаги барча мактаб, мактабгача таълим муассасалари ҳамда олий ва ўрта махсус ўқув юрлари спорт майдонларини таъмирлаш ва жиҳозлаш дастурлари, шунингдек мавжуд спорт иншоотларидан унумли фойдаланиш учун алоҳида жадваллар ишлаб чиқилди ва мунтазам равишда назорат қилиниб турибди.

Туман Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан қатор байрамларда ва кўнрақ кўнрада спорт мусобақалари ўтказиб турилибди. Ушбу мусобақаларга тумандаги барча мактаблар жалб қилинмоқда. Айниқса, ўқувчиларга қаратэ, таэквандо, кураш, тош кўтариш ва арқон тортиш мусобақалари маълум бўлмоқда. Шулардан айримларини мувоҳида таъкидлаб ўтиш мақсадга мувофиқдир.

«Истиклол» ўйноғида маҳаллалараро 10 ёшгача бўлган болалар ўртасида туман биринчилиги бўйича ўтказилган футбол мусобақасида 12 та жамоа таркибиди 200 дан ортқ бола иштирок этиб, финалда А.Набиев ва «Қорасарой» футбол жамоалари учрашди. Бу мусобақада ғолибликни кўлга киритган «Қорасарой» жамоаси шаҳар Болалар

спортини ривожлантириш жамғармаси ва туман ҳокимлигининг махсус совғалари билан тақдирланди. «Оймомо» боғида туман халқ таълими бўлими, Мудофлага қўмақлашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг туман кенгаши ва туман Болалар спортини ривож-

## Туманларда БАРКАМОЛ АВЛОД — ЭЛ ТАЯНЧИ

Собир Раҳимов туманда болалар спортини ривожлантириш ва ёшларнинг спорт билан шугулланишлари учун шароит яратиш мақсадида коллеж, лицей, мактаблар ва маҳалла ҳудудидаги спорт иншоотлари қайта рўйхатдан ўтказилиб, уларнинг фаолияти ўрганилди.

лангириш жамғармаси томонидан спортнинг қартинг, арқон тортиш, мерганлик, шахмат-шашка, сакраш ва стол тенниси бўйича оилавий мусобақалар ўтказилди. Унда 50 дан ортқ спортчилар иштирок этиб, ғолиб жазобалар муносиб тақдирланди.

Мирзо Ғолиб маҳалласида ўтказилган мусобақада 12 та оилавий жамоа, жами бўлиб 36 нафар спортчилар иштирок этдилар.

«Экосан» жамғармаси ҳомийлигида Талабалар шаҳарчасида ўтказилган марафон югуриши мусобақасида 3000 дан ортқ спортчилар иштирок этдилар. Олий ўқув юрлари, лицей, коллеж талабалари орасида ғолиб бўлиб 200 дан ортқ бола иштирок этиб, финалда А.Набиев ва «Қорасарой» футбол жамоалари учрашди. Бу мусобақада ғолибликни кўлга киритган «Қорасарой» жамоаси шаҳар Болалар

спортини ривожлантириш жамғармаси ва туман ҳокимлигининг махсус совғалари билан тақдирланди. «Оймомо» боғида туман халқ таълими бўлими, Мудофлага қўмақлашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг туман кенгаши ва туман Болалар спортини ривож-

## Туманларда БАРКАМОЛ АВЛОД — ЭЛ ТАЯНЧИ

Собир Раҳимов туманда болалар спортини ривожлантириш ва ёшларнинг спорт билан шугулланишлари учун шароит яратиш мақсадида коллеж, лицей, мактаблар ва маҳалла ҳудудидаги спорт иншоотлари қайта рўйхатдан ўтказилиб, уларнинг фаолияти ўрганилди.

лангириш жамғармаси томонидан спортнинг қартинг, арқон тортиш, мерганлик, шахмат-шашка, сакраш ва стол тенниси бўйича оилавий мусобақалар ўтказилди. Унда 50 дан ортқ спортчилар иштирок этиб, ғолиб жазобалар муносиб тақдирланди.

Мирзо Ғолиб маҳалласида ўтказилган мусобақада 12 та оилавий жамоа, жами бўлиб 36 нафар спортчилар иштирок этдилар.

«Экосан» жамғармаси ҳомийлигида Талабалар шаҳарчасида ўтказилган марафон югуриши мусобақасида 3000 дан ортқ спортчилар иштирок этдилар. Олий ўқув юрлари, лицей, коллеж талабалари орасида ғолиб бўлиб 200 дан ортқ бола иштирок этиб, финалда А.Набиев ва «Қорасарой» футбол жамоалари учрашди. Бу мусобақада ғолибликни кўлга киритган «Қорасарой» жамоаси шаҳар Болалар

спортини ривожлантириш жамғармаси ва туман ҳокимлигининг махсус совғалари билан тақдирланди. «Оймомо» боғида туман халқ таълими бўлими, Мудофлага қўмақлашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг туман кенгаши ва туман Болалар спортини ривож-

## Туманларда БАРКАМОЛ АВЛОД — ЭЛ ТАЯНЧИ

Собир Раҳимов туманда болалар спортини ривожлантириш ва ёшларнинг спорт билан шугулланишлари учун шароит яратиш мақсадида коллеж, лицей, мактаблар ва маҳалла ҳудудидаги спорт иншоотлари қайта рўйхатдан ўтказилиб, уларнинг фаолияти ўрганилди.

лангириш жамғармаси томонидан спортнинг қартинг, арқон тортиш, мерганлик, шахмат-шашка, сакраш ва стол тенниси бўйича оилавий мусобақалар ўтказилди. Унда 50 дан ортқ спортчилар иштирок этиб, ғолиб жазобалар муносиб тақдирланди.

Мирзо Ғолиб маҳалласида ўтказилган мусобақада 12 та оилавий жамоа, жами бўлиб 36 нафар спортчилар иштирок этдилар.

«Экосан» жамғармаси ҳомийлигида Талабалар шаҳарчасида ўтказилган марафон югуриши мусобақасида 3000 дан ортқ спортчилар иштирок этдилар. Олий ўқув юрлари, лицей, коллеж талабалари орасида ғолиб бўлиб 200 дан ортқ бола иштирок этиб, финалда А.Набиев ва «Қорасарой» футбол жамоалари учрашди. Бу мусобақада ғолибликни кўлга киритган «Қорасарой» жамоаси шаҳар Болалар



## Гўзалликка ошурфта мураббий

Мамлакатимизда қалб кўри билан болаларга маҳорат сирларини ўргатиш, уларни келгусида юртимиз дворуни жаҳонга ёвучи етакчи спортчилар, юртимизнинг мард ва фидойи фарзандлари сифатида тарбиялаш билан шугулланаётган захматқаш ва қунончак мураббийлар кўплаб топилди. Анала Малкина ҳам ана шундай маҳоратли ва захматқаш мураббийлар сирасига кирди.

Ушбу мураббий кўп йиллардан буён болалар билан ишлади. У келгуси авлодга бадий гимнастикадек чиройли спорт тури сирасорларини ўргатиб, кўплаб чемпионоларни етиштириб чиқармоқда. Ўз вақтида Анала Малкина кўлидан халқаро турнирлар, Жаҳон ва Европа чемпионатларининг кўп марта ғолиби Алина Кабаева, нуфузли халқаро мусобақаларнинг ғолиби ва совриндори бўлиш Венера Зариповалар етишиб чиққан.

Бугунги кунда ҳам Республика Болалар ва ўсмирлар спорт мактабиди бадий гимнастика бўйича мураббий сифатида фаолият кўрсатгани ҳолда Анала Малкина мамлакатимизнинг энг чека вилоятларидан ёш иқтидорларини излаш юмушларини амалга оширмоқда. Ўз касбига меҳр қўйган мураббийнинг бугунги шоғирларидан ҳам ёрқин ва бетакрор гимнастика усталари етишиб чиқишига шубҳа йўқ.

Анала Малкинанинг юртимиз спортини ривожлантириш, ёш иқтидорларни тарбиялаш борасидаги хизматлари эътиборга олинди. Мустақиллигимизнинг 12 йиллиги арафасида унга «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган мураббий» унвони берилди. Ўйлаймики, бу инсонларга хуш қайғити ва гўзаллик улашаётган маҳоратли мураббийни янги ютуқларга ундайди.

Даврон ИСМАТОВ СУРАТДА: Ўзбекистонда хизмат кўрсатган мураббий Анала Малкина шоғирдига маҳорат сирларини ўргатмоқда. Алексей Попов олган сурат.

## Мусобақалар БИРДАМЛИКДА ГАП КЎП

Юртимизда бугунги кунда болалар спортини ривожлантиришга эътибор кун сайин ошиб бораётганлигини ҳар бир гўшада амалга оширилаётган ишлардан ҳам билсак бўлади. Маҳаллада қуриб битказилган жажжи болалар майдончаси ёки бўлмаса футбол майдонининг барпо этилиши ҳам, боғчаларда, мактабларда ўтказилаётган спорт мусобақаларидан ҳам кўриниб турибдики, спорт ҳар биримизнинг кундалик ҳаёт тарзимизга айланиб бормоқда.

Яқинда Бектемир туманида «Камолот» ЕИХ туман бўлими кенгаши ташаббуси билан «Кувёнок стартлар» мусобақаси 5-7-синф ўқувчилари ўртасида ташкил этилди. Унда тумандаги 5 та мактабдан жамоалар иштирок этишиб, энгил атлетика, ўтириб сакраш, арқон тортиш, баскетбол тўпини саватга тушириш каби шартлар асосида беллашдилар.

Хар бир жамоанинг эпчил ва чапдаст иштирокидан ҳам болаларнинг спорт билан мунтазам шугулланишлари мусобақа жараёнида намоён бўлди. Айниқса болажонларнинг арқон тортишда бириккан ҳолда ҳаракат қилишлари, олдига қўйилган тўсиқлардан қаққонлик билан хаттога йўл қўймай ҳаракатланишлари кўпчиликнинг эътиборини тортиди десак хато қилмаймиз.

Шунингдек, мусобақанинг сардорлар беллашуви ниҳоятда қизиқарли ўтди. Хар бир сардор ўз жамоасига балл тўплаш учун астойдил ҳаракат қилди. Бундай муро-саси беллашув сўнггида тўпланган балларга кўра 293-мактаб жамоаси ғолиб деб топилди ҳамда унга эсдалик совғалари ва Фахрий ёрликлар топширилди. Бу ҳақида ушбу мактабнинг «Камалак» сардори Азиз Баратов шундай дейди:

— Кўриб турганингиздек, мусобақа шартларини болажонлар аъло даражада бажаришди. Айниқса, ғолиб жамоа вакилларининг ўйин мобайнидаги ҳамжиҳатликда, бир-бирини тушунган ҳолда олға интилишлари зое кетмади. Демак, спортда нафақат кучли бўлиш, балки бирдамликда ҳам гап кўп экан.

Орзуғу СУСТАМОВА

Шарқ дурдоналари

**ОЗОВ УЛТАНИБ**  
ДОМО БУЛАР...

• Хар бир ватандошнинг энг асосли, энг муқаддас вазифаси ватанини севиш ва унга ҳаётнинг сўнгги дақиқаларигача хизмат этишдир. Ватанимизга бўлган муҳаббат ва ҳурматимиз ҳеч бир нарса билан ўлчана олмайди.

Байт:

**Ватанга нафи йўқ  
яшалган хар кун,  
Инсон ҳаётида қолур  
бемазмун.**

• Ватан тарбиясини оила кучи билан бошлаш лозимдир. Биласизки, кичик болаларда ватан фикри бўлмайди. Улар учун ватан — она кучи билан. Болалар оилани сева-сева ватанларини севишга кўникадилар. Бу эътибор билан оила муҳаббати ватан муҳаббатининг асосини ташкил қилар экан. Оила муҳаббати эса оила кучи билан оила муносабатларида вужудга келгани учун ватан муҳаббати ҳам дастлабки озигини, дастлабки қувватини оила кучи билан олади.

Оила аъзолари орасида нақадар қувватли боғланиш ва муҳаббат бўлса ватан муҳаббати ҳам шунча қувватли ва мустақкам бўлади. Ҳар оила аъзоларига нисбатан туйғу эга бўлмаган, уларга фидокорлик қилишни билмаган бир киши ватанга ҳам фидокорлик туйғуси билан туйғулана олмайди.

Хулоса: ватан тарбиясида дастлабки вазифа оилага оиддир. Авлодимизга тўлиқ ватан муҳаббатини бериш учун, аввало уларнинг кўнгилларига қувватли бир оила муҳаббатини синдиришимиз, шу билан бирга ватандошларимизга нисбатан муҳаббат ҳиссларини уйғотишимиз лозим.

Оила муҳаббати ватан муҳаббатининг муқаддимаси, биринчи босқич эканини унутмайлик.

• Меҳнатни севиш, гайрат билан матонат билан ишларнинг учта ширин меваси бор. Биринчиси, таннинг саломатлиги, иккинчиси — кўнгил роҳати, учинчиси — ақл ва зеҳннинг ортишидир.

• Бахтиёр бўлишни истасангиз, хар бир ишингизни ўз вақтида бажаринг, бугунги ишнинг эртага қолдирманг, фурсатни қўлдан берманг.


• Меҳнатни севамаган одам хар бир бузуқликни қилишга тайёрдир. Меҳнат инсонга бахт-саодат келтиради. Яқовлик ва ишсизлик эса фалокат гирдобига ташлайди.

**ҲИКОЯТ.** Балиқчи тугган балиқларини уйига олиб келар экан, бир зolim йўлтўсар унинг балиқларини тортиб олади ва уради. Балиқчи бундай дуо қилди: «Ё раббим, мени заиф, уни қувватли яратдингки, у менга зулм қилди. Махлуқотингдан бирини унга рўпара қил, токи бутун олам ундан ибрат олсин. Ё раббим, сен хар нарсага қодирсан!»

Зolim балиқларни пишириб еяётган пайтда томоғига қилтанок тикилди. Нафас оломай қолди. Табибларга югуриб, даво тополмади. Кечга яқин Аллоҳга ёлворди. Зolim тушида: «Фалон одамнинг ҳақини берасан, шундан сўнг хасталиқдан қутулсан», — деган нидони эшитди. Уйғонар-уйғонмас шовилиб балиқчини қидириб топди. Унга минг дирхам бериб ҳалоллашди. Аллоҳнинг изми билан хасталиқдан қутулди.

Байт:

**Меҳнат ила ҳал  
бўладир хар мушкул,  
Коми дил меҳнат  
ила бўлғай ҳосил.**



— Болажон, бунча ширин ва беғуборсан!

**АҚШнинг Вашингтонда жойлашган Р.Никсон номидаги тахлилий марказ ҳузуридаги «Халқаро хавфсизлик ва энергетика» дастури директори Зейно Баран хоним жорий йилнинг октябр ойида Ўзбекистонга таширф буюрган эди.**

Сафар чоғида Баран хоним Самарқанд шаҳрида ўтказилган «Ислом динининг жаҳмиётдаги ўрни» халқаро анжуманида иштирок этди ва республика нодавлат ташкилотлари, диний ва илмий доиралар вакиллари билан учрашди.

Яқинда мазкур марказда бўлиб ўтган илмий анжуманда З.Баран Ўзбекистонга амалга оширган сафарни яқунларига бағишланган маъруза билан иштирок этди. Унда АҚШ Конгресси, Давлат департаменти, адлия вазирлиги, Пентагон, илмий доиралар вакиллари, халқаро ташкилотлар ходимлари ҳамда Марказий Осиё ва Кавказорти давлатлари дипломатлари қатнашди.

З.Баран ўз маърузасида толерант ислом динини қўллаб-қувватлаш ва мамлакат ҳудудида вужудга келган аънаванавий диний мактаблар тарихий меросини тиклашга қаратилган Ўзбекистон ҳукуматининг савий-ҳаракатларига юксак баҳо берди. Хусусан, у мустақиллик йилларида мамлакатда юзлаб масжидлар очилгани, минтақада ягона Тошкент ислом университетига асос солингани ва Курьони Каримнинг ўзбек тилига таржима қилинганини таъкидлади. Маърузачининг сўзларига қараганда, бу ишлар Ўзбекистонда диний таълим ривожига алоҳида аҳамият берилаётганининг ёрқин ифодасидир.

З.Баран, шунингдек, йиғилганлар эътиборини мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ республика ҳукуматининг турли динлар вакилларига нисбатан очик сибасат олиб борганига, бу эса виждон эркинлиги ривожига кўмак берганига қаратди. «Афсуски, 90-йиллар бошида Ўзбекистонда юзага келган шарт-шароитдан фойдаланиб, «Ҳизбут-Тахрир», «Ваҳҳобийлик» каби радикал оқим вакиллари мамлакатга кириб келиб, экстремизм фояларини ташвиқ қилишга ҳаракат қила бошлади», — деди у.

«Ҳизбут-Тахрир» фаолиятига баҳо берар экан, З.Баран ушбу ташкилот вакиллари Курьони Каримнинг ўзларича таширф қилаётганлари, бу билан аънаванавий ислом қоида ва талабларини бузаётганини

айтиб ўтди. «Улар умумэтироф этилган демократик мейдор ва қийматларни, мусулмон ўлкаларини очик жаҳмиёт куриш имкониятини рад қилишад», — деди З.Баран хоним.

Анжуманда диний экстремистик ташкилотлар тугдираётган хавф-хатар нафақат Марказий Осиё минтақаси, балки Фарбий Европа давлатлари ва

Куни кеча Шайхонтохур туманидаги «Янги Камолон» маҳалласида «Камолот» ЁИХ туман бўлими қошидаги ёшларнинг ҳуқуқий савиясини ошириш мажмуасининг «Маҳалла ёшлари тарбиячиси» маркази ташаббуси билан «Хар бир фарзандга лозим меҳр-эътибор» мавзусида маънавий-маданий тадбир бўлиб ўтди.

*Мағбирлар*

**ЁШЛАР МАРКАЗИ  
ТАШАББУСИ БИЛАН**

200 га яқин маҳалла болалари тўпланган учрашувга шоирлар Ҳайдар Муҳаммад, Маннон Тожи, болалар ёзувчиси, педагог-тарбиячи Собир Муқимовлар таклиф этилди.

Учрашувда маҳалла болалари ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди, шеърятга ихлосманд ёш қаламкашлар ўз шеър машқларини ўқишди. Сўхбат саримий ва дилкаш ўтди. Учрашувдан сўнг қўшма таълим мажмуасининг «Грация», «Хадра» маҳалласининг «Қалдирғоч» болалар бадий-ҳаваскорлик гуруҳлари

ижросида куй-қўшиқлар янгради. Тадбир сўнггида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Шайхонтохур туман бўлими томонидан маҳалладаги кам таъминланган оилалар фарзандларига совғалар топшириди. Албатта, маҳалла ёшларини соғлом турмуш тарзи талаблари асосида тарбиялаш, ўсмирларни илм-маърифатга ва санъатга қизиқтириш, улар онгига Ватанга муҳаббат, меҳр-оқибат ҳиссларини синдиришда бундай маънавий-маърифий тадбирларнинг ўрни беқийсдир.

Соҳиба УМАРОВА

**ДИНИЙ ЭКСТРЕМИЗМ МУАММОЛАРИГА  
БАҒИШЛАНГАН СЕМИНАР**

АҚШ учун ҳам хавфли экани алоҳида таъкидланди.

Анжуман якунида «Жаҳон» ахборот агентлиги муҳбири З.Баран билан кўйидаги мулоқотни ёзди:

**Мухбир: Ўзбекистонга амалга оширган сафарингиз таассуротлари билан ўртоқласангиз.**

— Катта таассурот уйғотган жихатлардан бири бу — ўзбек халқининг меҳмондўстлиги диний жаҳмиёт фуқаровий ва диний келишувга эришиш йўлида муҳим ва жиддий қадамлар ташлангани мени қувонтирди.

Афсуски, мамлакатингизнинг турли соҳаларда эришадиган ютуқлари ҳақида АҚШда ҳамма ҳам етарлича маълумотга эга эмас. Ўзбекистонда давлат ва ноҳукумат ташкилотлари томонидан бағрикенг исломни қўллаб-қувватлаш ва уни ташвиқ қилиш борасида ташланган дадил қадамларга гувоҳ бўлганим мен учун ўта муҳимдир. Турли расмий, ижтимоий, илмий ва диний доиралар вакиллари билан ўтказган кўплаб учрашувларим эса самарали бўлди. АҚШ жамоатчилиги мен айнан шулар ҳақида гапириб бермоқчиман.

**Мухбир: Ўзбекистоннинг аънаванавий исломни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш борасида олиб бораётган ишларини қандай баҳолайсиз?**

— Мен Ўзбекистоннинг Марказий Осиё давлатлари учун ўрнатқ бўлиши, хусусан, исломнинг демократия фоялари ва иқтисодий ислохотлар билан уйғунлашувига мисол сифатида кўрсатилиши мумкинлигига ишонч ҳосил қилдим.

Тан олиш керак, мамлакат ҳали катта йўлни босиб ўти-

ши лозим, аммо бу йўлнинг асосий қисми орта қолди, деб ишонч билан айтиш мумкин. Жаҳонда Ироқдаги воқеаларга кўпроқ эътибор қаратилгани туйғайли ҳозирги кунда бу масаланинг диний томони диққат марказидан бироз четга чиқмоқда. Менинг фикримча, ҳозирда террорчилик ўз услуб ва мақсадлари-

тингиз қандай?

— Бугунги кунга келиб дунёда нафақат ислом, балки яҳудий ва насроний динларига ҳам қизиқиш кучайганини кузатиш мумкин. Демократиянинг сиёсий назариясига муқобил йўқлиги туйғайли реакция кучлар диний эътиқоднинг бу ўсишдан унумли фойдаланиб, унинг асосида ўзларининг экстремистик таълимотлари учун пойдевор тайёрлашмоқда. Диний гояларнинг жозибдорлигини ва хар қандай сиёсий ҳаракатни вужудга келтириш учун яхши асос вазифаси-

ни ўташи мумкинлигини улар яхши тушунишади. Диннинг одамлар онгига кучли таъсир ўтказиши боис кўпчилик бу бузилган экстремистик гояларни ўлимдан кейинги фаровон ҳаёт ваздалари сифатида қабул қилиб, ҳаётда бирон бир муваффақиятга қизиқишни тўхтаб қўйишмоқда. Шубҳа йўқки, бу жуда хавфли тенденция.

Шу нуктага назардан олиб қараганда, «Ҳизбут-Тахрир» таъшиқ қилаётган гоялар кўпчиликнинг онгига хар хил тасаввур уйғотмоқда. Гарчи кўпчилик ҳозир «Ҳизбут-Тахрир»ни соф террорчилик ташкилоти деб ҳисобламасада, лекин улар илгари сураётган гоялар жуда хавфли оқибатларга олиб бораётганини ҳаётнинг ўзи кўрсатмоқда. Хусусан, бунини «Ҳизбут-Тахрир» вакиллари тарқатаётган варақа ва бошқа материалларда тинч одамларни, шу жумладан, америкаликларни ўлдирши жиноят эмаслиги тўғрисидаги фикрда кузатиш мумкин.

Ҳозир «Ҳизбут-Тахрир» Ироқда ҳам фаолият олиб бораётгани ҳақида сўз юритишга жиддий асослар вужудга келмоқда. Менинг фикримча, бундай тенденциялар «Ҳизбут-Тахрир» каби ташкилотларнинг бутун жаҳон аҳли учун ташвиш солаётгани тўғрисида хулоса чиқаришга имкон беради. Кўриб турибмизки, экстремизм, бу — саб-религиознинг ўзгинаси.

Динга нисбатан Ўзбекистоннинг ҳозирги тахрибаси бизга аънаванавий исломни яхшироқ англаш учун ёрдам бериши мумкинлигига аминман, — деди З.Баран хоним.

«Жаҳон» АА

**Қашғирейлар тарихи**

**БИРИНЧИ МОТОЦИКЛ**

Биринчи мотоцикл учун 1885 йил 29 августда Германияда Раттлиб Даймлер томонидан патент олинган мотоцикл бир дақиқада 700 оборот олувчи бир цилиндрли двигателга эга эди. Биринчи мотоцикл ихтирочининг ўғли Паул Даймлер бўлди. У 1885 йил 10 ноябрда 10 километр масофани босиб ўтди. Даймлер мотоциклни молявий ихтиро эмас, балки янги бензинли двигателларни синовдан ўтказувчи аппарат деб билар эди.

**ДАСТЛАБКИ ИККИ КАВАТЛИ АВТОБУС**

Бундай автобусни 1847 йилнинг апрелида «Адамс энд компани» деб номланган Лондондаги фирма курган. Юқоридаги қаватда 14 та йўловчи учун жой бўлган. 1851 йилда катта кургазмалар вақтида йўловчилар ҳаракатининг кучайгани натижасида бу транспорт тури оммавийлаша бошлади. Агар барча ўриндиклар банд бўлса йўловчиларга том четига оёқни осилтириб ўтиришга рухсат этилган. Лекин улар ойнани ботинкалари билан ифлос қилганликлари учун пул тўлашлари керак бўлган, 1909 йил 9 апрелда иккинчи қавати ҳам бор автобуслар пайдо бўлди, бироқ улардан кенг фойдаланиш полиция томонидан тақиқлаб қўйилди. Фақатгина 1925 йилнинг 20 октябридан бошлаб икки қаватли автобус ҳам бошқа транспорт турлари каби тўлиқ ҳуқуқларга эга бўлди.

**ИЛК ТИКУВ МАШИНАСИ**

1790 йил 17 июлда лондонлик мебель устаси Томас Сайнт номига патентлаштирилган патент матни 1874 йилдагина унинг қоғозлари орасидан топилган. Бу машинанинг ясалган, ясалмаганлиги номаълум. Лекин айрим жиҳатлари замонавий машиналарда ҳам учрайди. Масалан, игналарнинг вертикал ҳаракати, игна учидаги қулоқча, материални ушлаб турувчи иккита пластинкаларни бунга мисол қилиб келтириш мумкин.

**ЭСКАЛАТОР**

Эскалатор биринчи марта 1894 йилда Кони-Айлэнд (АҚШ)да сайёҳлар учун аттракцион сифатида пайдо бўлди. Уни Нью-Йорклик Жесси Рено ихтиро қилди. Дастлаб махсус ротада тасмали конвейер майдончаси билан ҳаракат қилган. Унинг ерга нисбатан қиялиги 30 даража бўлган. Лекин бу йўловчилар учун хавfli эди, шунинг учун Рено майдонни зиналар билан алмаштирди.  
**Анвар ЮСУПОВ**  
тўплади.

**АВТОУЛОВНИ СУГУРТА ҚИЛИШ — ЖУДА ФОЙДАЛИ**

«Sugurta biznes» /SB/ сугурта компанияси ўз мижозлари учун автоклуб таъсис этиб, кунига 24 соат автомобилларни сугурталаш каби хизматни таклиф этади. Ўз автотранспорт воситасини сугурталаган киши мазкур клуб аъзоси ҳам бўлмоқда.

«SB» мижозларни ўзига жалб қилишнинг жуда самарали усулини танлаб, хато қилмади. Гап шундаки, клубга аъзолик талай имтиёзларни беради. Автоклубнинг навбатдаги мажлисида «SB» шикоятларни тартибга солиш бўлими бошлиғи Тимур Алихўжаевнинг маълум қилишича, компания йирик автосервис корхоналар билан шартномалар тузган. Бу корхоналар эса автоуловларни кафолатланган сифатли таъмирлаш ва уларга профилактика хизматларини кўрсатиш билан шуғулланади. Бундан ташқари, «SB» автосугуртачилар учун чегирма ва имтиёзлар тўплашини тайёрлаган, бу эса албатта уларни қизиқ-

тирмай қўймайди. Хусусан, автоулов йўлда бузилиб қолган ҳолларда эвакуатор, кўчма автостаноналар ва такси хизматлари таклиф этилади, шунингдек, чет эл рўсумидаги машиналар учун хориждан эҳтиёт қисмларга буюртма бериш мумкин.

Автосугурта шартномасини 2004 йилгача чўзган клуб аъзолари 10 фоизлик чегирмага эга бўладилар. Жорий йилнинг ўзидаёқ компания 57 та аризани қаноатлангирди ва автосугурта маблағлари 47 миллион сўмни ташкил қилди.

Автоклубда ўтган кеча лотерея ўйини билан яқунланди. Бахт қулиб боққан кишиларга турли

мукофотлар — эсдалик совгалари, автокосметика, турли буюмлар, автомобиль эҳтиёт қисмлари топширилди. Автосугурта шартномаси мuddати давомида сугурта ҳолатларини келтириб чиқармаган мижозлар ҳам махсус совринлар билан тақдирланди.

Автосугурта ҳақида гапирадиган бўлсак, бугунги кунда автоулов эгаларига автомобилни сугурталаш, йўловчиларни бахтсиз ҳодисалардан сугурта қилиш, учинчи шахс олдидан автофуқаролик жавобгарлиги ва бошқа хизматлар таклиф этилади.

Маҳаллий бозорда «SB» бор-йўғи икки йил аввал пайдо бўлган, ammo шу қисқа давр ичида ўзини барқарор ва ишончли сугуртачи сифатида намоён қила олди. Компания 800 минг Америка долларига тенг бўлган низом капиталига эга бўлиб, ўз фаолиятини сугурталашнинг 16 та мамлакатда амал қиладиган 12 тури бўйича амалга оширади. Яқинда эса «Sugurta life» шўба корхонаси таъсис этилди ва у фақат хайитни сугурталаш билан шуғулланади.

ЎзА

**ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР**

**Тошканбой Эгамбердиев номидаги Тошкент Давлат цирки**  
2003 йил 26 декабрдан 2004 йил 11 январгача

**ЦИРКДА АРЧА**

*Болалар! Сиз учун қишқи тадтил кунларида*

**АЛОВУДДИН ВА УНИНГ ДўСТЛАРИНИНГ ЯНГИ ЙИЛ САРГУЗАШТЛАРИ ТОМОШАЛАР**

26 декабрда: 15.00, 18.00.  
27 декабрдан 30 декабргача: 10.00, 12.00, 14.00, 16.00, 18.00.  
31 декабрда: 10.00, 12.00, 14.00, 16.00.  
1 январдан 11 январгача: 10.00, 12.00, 14.00, 16.00, 18.00 да бошланади.

Жамоа бўлиб келиш учун талабномалар қабул қилинади. 50 дан ортиқ чипталар олинадиган бўлса, улар ташкилотларга қўшимча ҳақ тўланмасдан етказиб берилади.

Чипталар цирк кассаларида ва туман кассирлари томонидан сотилмоқда. Ҳақ турли шаклда тўланиши мумкин. Касса эрталабки соат 9.00 дан очик.

Маълумотлар учун телефонлар: 144-29-04, 144-35-91, 144-32-23.

2003 йил 31 октябрдан

«Уздавцирк» республика бирлашмаси Тошкенбой Эгамбердиев номидаги Тошкент Давлат цирки

2003 йил 31 октябрдан

**НИКУЛИН ЦИРКИ ИШТИРОКИДАГИ ЕВРО ЦИРК**

Супер шоуси қуйидаги томошаларни кўрсатади:

**ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛК БОР**  
Россияда хизмат кўрсатган артист Николай Тимченко раҳбарлиги остида

**ПАТАГОН ДЕНГИЗ ШЕРЛАРИ**  
Ўргатилган хайвонларнинг қувноқ карусели айиқлар, маймунчалар, пакана отлар, эшаклар, кучуклар

**ШЕРЛАР + ЙЎЛБАРСЛАР**  
аттракцион кулги қироллари

**«СЭМ» масхарабозлар гуруҳи**  
Директор, бадий раҳбар — хизмат кўрсатган маданият ходими Баҳром Жалилович Мажидов

**Томошалар:** иш кунлари соат 18.00 да; шанба ва дам олиш кунлари соат 12.00, 15.00, 18.00 да бошланади.

**Чипталар цирк кассаларида сотилмоқда.**  
Турли хил шаклда ҳақ тўланиши мумкин. Касса эрталабки соат 9.00 дан ишлайди.  
Маълумот учун телефонлар: 144-29-04, 144-35-91, 144-32-23.

**Multilot** **Ахборот технологиялари ва босма маҳсулотларни ишлаб чиқариш соҳасида ўз фаолиятини юритувчи «Multilot» Ўзбекистон—Жанубий Корея қўшма корхонаси қуйидаги бўш лавозимларга қабул эълон қилади**

Лавозим	Ишнинг йўналиши	Номзодларга талаблар
Система муҳандиси	Oracle асосида маълумотлар базасини кузатиш ва операцияларни амалга ошириш	● Oracle маълумотлар базасини бошқариш тизимида иш тажрибасининг мавжудлиги ● Операция тизимлари (HP Unix, Compaq Windows NTни ҳам қўшган ҳолда)ни ўрнатиш ва ишлаш бўйича тажрибага эга бўлиш.
Муҳандис (2та бўш ўрин)	Oracle асосида маълумотлар базасини кузатиш ва операцияларни амалга ошириш	● Oracle-9i базасида дастурлаштириш ва дастурларни ўрнатиш тажрибасига эга бўлиш.
Реклама ва PR бўйича мутахассис	● Реклама фаолияти ва Public relations режалаштириш ва менежмент ● Реклама агентликлари, ишлаб чиқариш фирмалари ва оммавий ахборот воситалари билан шартномалар бажарилишини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш	● Мазкур соҳада 2 йил ва ундан ортиқ иш тажрибасига эга бўлиш ● Инглиз тилини жуда яхши билиш
Дизайнер	● босмага бўлган ишлар ● Фирмали реклама дизайнини ишлаб чиқиш ● Интернет-сайтга хизмат кўрсатиш	● Makintosh билан ишлашда тажрибага эга бўлиш ● Босмага бўлган жараён ва интернет сайтларни лойиҳалаштириш борасида иш тажрибасига эга бўлиш мақсадга мувофиқдир.
Котиба ёки иш юритувчи	● ташкилий томондан қўллаб-қувватлаш	● халқаро компанияда иш тажрибасига эга бўлиш мақсадга мувофиқ ● инглиз тилини яхши билиш, шунингдек, корейс ёки ўзбек тилини билиш мақсадга мувофиқдир. ● MS Office дастурларини яхши билиш ● ташкилий ишларда қобилият
Бухгалтер	● моддий ҳисоботлар	● компьютерни билиш, 1-С бухгалтерия, 7.7. версияга устунлик берилади, 3 йиллик стаж
Хайдовчи	● Логистика	● инглиз тилини билиш
Қоровул (3 та бўш ўрин)	● Офис биносини куну тун қўриқлаш	● тавсиянома

**Номзодларнинг иложи борица факс ёки e-mail орқали қуйидагиларни топширишларини сўраймиз:**

- сурати, олоқага кириш маълумотлари бўлган резюме, маълумоти ва ишлари тўғрисидаги ҳужжатларнинг нусхалари;
- илгари бажарилган ишларни ойдинлаштирувчи ҳужжатлар бўлса мақсадга мувофиқдир.

**Бизнинг манзилимиз:**  
Директор ўринбосари Кнут Крамер, Multilot қўшма корхонаси, 700000, Тошкент шаҳри, Ниёзбек йўли кўчаси, 24.  
Телефон: 136-70-69, Факс: 120-55-98, E-Mail. ms. Kraemer@t-online.de

**Спорт**

**ОТАМ, ОНАМ  
ВА МЕН**

Соғлом турмуш тарзини шакллантиришда жисмоний тарбия ва спортнинг аҳамияти беқийс. Кейинги йилларда оммавий спорт тарғиботи йўлида бажарилаётган ишлар эса тахсинга лойиқдир.

Куни кеча Тошкент Миллий касб-хунар коллежида уюштирилган спорт тadbирини «Отам, онам ва мен» деб номланди. Акмал Икромов туман ҳокимлиги, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг туман бўлимлари ҳамкорликларидан ташкил этилган ушбу қизиқарли мусобақаларда оилавий жамоалар голиблик учун кураш олиб боришди. Юғуриш, аркон тортиш, шашмак, шашка, стол тенниси, футбол йўналишларида кечган баҳслар шиддатли, қизиқарли ўтди. Байрамона тўз олган ушбу тadbир якунида ташкилотчилар томонидан голиб деб топилган Зокировлар оиласига қимматбаҳо совғалар тўхфа этилди.

**ЮТУҚЛАР**

**ЭЪТИРОФ ЭТИЛДИ**

Ўзбекистон Ёзувчилар Уюшмасида мамлакатимиз спортни мутасаддилари, ёзувчилар, журналистлар ҳамда спорт мутахассислари иштирокчида йилги бўлиб ўтди.

Унда истиқлол шарофати билан Ўзбекистон спортни ривожини йўлида юз берган хайрли ўзгаришлар ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирилиб, айниқса, кураш, юнорум кураши, таэквандо, каратэ, футбол, бокс бўйича ўтказилган халқаро турнирларда спортчиларимиз эришаётган ютуқлар эътироф этилди. Спортнинг кўпгина йўналишлари оммавийлашганини шундан ҳам билиш мумкин. Эндиликда мамлакатимиз спортни юлдузлари ҳақида очерклар, лавҳалар, бадий асарлар ёзиш, китоблар чоп этиш ёзувчилар олдига турган вазифа эканлиги йилги катнашчилари томонидан таъкидланди. Фойдалли мулоқот сўнгида йилги нагларга Фотима Шарипова томонидан боксимиз юлдузларидан бири Руфат Рисқиев ҳақида ёзилган китоб таъкид этилди.

**Ақбар ЙЎЛДОШЕВ**

«Сирли олам» журнали журналининг ташкилий-ҳуқуқий шакли ўзгаририлиб, масъулияти чекланган жамиятга айлантирилганлигини билдиради.

«Сирли олам» журналининг барча ҳуқуқ ва мажбуриятлари унинг ҳуқуқий вориси «Сирли олам» масъулияти чекланган жамиятига ўтганлиги маълум қилинади.

Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур туманида Давлат рўйхатидан ўтган «PAZANDA-KOMIL» масъулияти чекланган жамияти ўз фаолиятини тугатади.

Барча давлолар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой ичида қабул қилинади.



Катта ўғил — Зайнобиддин ака олтинчи йиллар бошларида Фарғона вилояти театрига ишга қабул қилинади. Аввалига у оммавий саҳна ролларида иштирок этади, кейин эса қизиқчиликка алоқадор комик ролларни қотириб ижро эта бошлайди. «Тоҳир ва Зухра» спектаклида сандиқчи, «Нурхон»да Хузурхўжа, «Майсаранинг иши»да Мулладўст, «Аршин мол олон»да Вали сингари кўпгина ролларни меъёрига етказиб ижро этиб, кўпчиликнинг олқишига сазовор бўлади. Шунингдек, вилоятда бўлиб ўтган барча аския ва кўлги кечаларида фаол қатнашади. Айниқса, дугор чалишда ҳам «Чертмак» куйини кўлгили ҳаракатлар билан ижро этиб, ҳаммани лол қолдирарди. У 1978 йилдан то умрини охиригача Фарғона халқ филармониясида хизмат қилди. 1989 йили санъат соҳасидаги намунали хизматлари учун Зайнобиддин акага Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист унвони берилди, у 90-йиллар ўрталарида вафот этди.

Укаси Мадаминжон Юсупов ҳам акасига эргашиб, барча кўлги кечалари ва сайилларда фаол иштирок этган. Хатто, ака-ука биргаликда Тошкентга келишиб, «Муштум» кечалари, катта сайил концертлари, турли танловларда ҳам қатнашиб, пойтахт томошабинлари диққатини

**Аскиягиларимиз тарихидан**

**УСТОЗ ҚИЗИҚЧИНИНГ ФАРЗАНДЛАРИ**

Хаёт қизиқ, фарзандлар ота изидан боришга интилаверар эканлар. Ака-ука Зайнобиддин ва Мадаминжон Юсуповлар ҳам ёшлик чоғларидаёқ оталари Юсуфжон қизиқ Шакаржонов иштирок этган сайил ва йигинларга бориб, аския ҳамда қизиқчилик сирларидан воқиф бўла бошлашган. Хатто, падари бузрукворлари тириклигидаёқ зиёфату тўйлар, йигинларда одамларни кулдириб, ота касбини эгаллашга интилганлар.

ўзларига тортишган. Мадаминжон кўпинча Марғилон шаҳар маданият уйида ташкил этилган халқ театрида иштирок этиб, ўзининг кулдириш соҳасидаги фаолиятини кун сайин ошира борган. «Хорижлик табиб», «Ўзи нима гап» каби интермедия ва бошқа аския пайворларини маҳорат билан ижро этган. Акаси вафотидан кўп ўтмай, у ҳам хаётдан кўз юмди.

Куйида ака-ука 1992 йили ижро этган ширинликлар пайровини газетехонларга ҳавола этамиз.

**ОЗИ ШИРИН**

МАДАМИНЖОН — Ака, илгарилари юз сўмлик каму қанд-курслар кўп эди. Хозирги кунда эса тескариси, яъни юз сўмлик кўпайиб, қанд-курс камайиб кетган. Удалаганлар топяти, уларга «Қандингни ур» демай иложимиз йўқ. Бунга сиз нима дейсиз?

ЗАЙНОБИДДИН — Нима ҳам дердим, укажон! Дўконлар пештахталарида конфет кўринмай қоляпти, шу боис иккимиз қанд-курслар номларидан «ШИРИН»гина аския пайрови қилайлик, зора кўпайиб қолса.

МАДАМИНЖОН — Бўлмаса бошладик. Ака, кейинги пайтларда ширинлик топишдан худди қариб қуйилмаган кишидек сўраясиз: «ИРИС БОРМИ?» деб.

ЗАЙНОБИДДИН — Ҳадемай, ширинликлар кўпайиб, бунақанги сўрашлар йўқ бўлиб, пештахталар тўлиб кетади. Мана, мастакиликка эришдик, хозирги ҳар бир кунимизни АСАЛ ОЙИГА ўхшатаман, ука! Шундай дамларда сотувчиларни ҳам бир кулдириб қўяйин деб, юрагимни ОЛТИН КАЛИТ билан очмоқчи бўлгандим-да!

МАДАМИНЖОН — Ака, гапни ҳам ҚИЁМИГА етказиб, ҲОЛВАДЕК қуйиб қўясиз-да! Орагингизни очганингизда сотувчи ПАШ-МАҚдай эриб кетиб, илжайса уялганингиздан ХУРОЗҚАНДдай қизаргандирсиз?

**Ишдан ҳориб-чарчаб келдингиз. Асабларингиз ҳақида-ку гапириб ўтиришнинг ҳожати ҳам бўлмаса керак. Хизматдаги турли жараёнлар оқибатида руҳий зўриқиб, жуда таранглангансиз. Нима бу? Стресс деганлар шу эмасмики! Наҳотки уни енгил ўта мушкул бўлса... Асосан стрессни нафақат четлаб ўтиш, балки уни ўз фойдамизга ҳал қилишимиз мумкин.**

**ЎЗИНГИЗДА БИР СИНАБ КЎРИНГ**

Асли стресс нимадан келиб чиқади? Тўғри, келишмовчиликлардан кўпинча. Йўқ келишмовчиликлардан қочиш керак эмас, шунингдек, уларни бартароф этиш учун махсус маърузаларга қатнашни ҳам тавсия қилмаймиз. У ҳолда нима қилиш керак, чораси бордир ахир? Америкача аргумчоқ аттракционини бир кўз олдингизга келтиринг-а. Сиз ўтирган аравача баландда охиста гилдирайди-да, шиддат билан паства сирпаиб кетади. Бир зумда юрагингиз «шув» этиб, ҳаприқиб қоласиз. Кимгадир бу жуда ёқадми. Бошқа биров эса бефарқ ўтираверарди.

Энди айтмоқчи бўлган фикримизни тушунгандирсиз. Стресс нисбатан энг зўр пайт — сиз муаммони қандай қабул қилишингиз ҳам бениҳоя катта аҳамият касб этади. Вужудга келган кескин танг ҳолатни имкон қадар лоқайдлик билан қаршилашга интилинг. Кескин танг ҳолат хитой тилида икки иероглифдан, яъни «хавф-хатар» ва «имкониёт» сўзларининг бириктирувидан ҳосил бўлган. Хаётда биз дуч келган ҳар бир муаммога буткул бошқача қараш мумкин. Айтил-

лик муаммо — биз қийинчиликларни енгиб ўтишимиз учун берилган имкониятдир. Яна ўзга нарсалар тўғрисида бош қотириш мумкин. Демокримизки, занжир каби ҳаёлигини буткул банд этган фикрлардан фарқли ўларок бошқа нарсаларни ёдга тушириш ҳам мумкин.

Ўй келганда ҳам жуда умидли ҳаёлларни ёддан ўтказиш лозим. Ўз-ўзингизга ишонинг, авваллари кўлга киритган ютуқларингизни бир эсланг. Бу гал ҳам фурсатни бой берманг.

Мияга озгина хордиқ беринг. Тасаввур этинг-а, сиз Майями оролларидадасиз. Қаршингизда охиста мавжланаётган тўпқинлар.

Бир лаҳза бўшаинг. Стресс ҳолатига ҳар қандай шароитда ҳам тушиб қолишингиз мумкин — уйда, ишхонада, автобусда, кўчада. Шу сабабли куйидаги сўзларни бот-бот такрорланг:

- Айни пайтда **ҳеч қаерга** бормаслигим керак;
- Айни пайтда **ҳеч нимани** ҳал қилмаслигим керак;
- Айни пайтда **ҳеч нарса** қилмаслигим керак;
- Мен учун зарури **хотиржамлик**.

**Ўнғача охиста сананг.** Таранг асабларни «силлиқлашда» бу усул жуда унумли.

Ўрнингиздан туринг-да, кетиб қолинг. Вақтинча чалғисиз. Бироз ўзингизга келишингизга ҳеч нам шубҳа йўқ.

Бир неча марта чуқур-чуқур нафас олинг. Бунда қон томирларингиз, ўпканингиз кислород билан таъминланиши янада яхшиланади.

Бақиринг ёки йиғланг. Ростини, бирон бўш хонани ичидан қўлқаб олинг-да, тўйиб-тўйиб йиғлаб олинг. Рўхшунос олимларнинг таъкидлашларича бунинг унуми ҳам салмоқли экан!

Бақиров ёхуд йиғи кераксиз эҳтирослардан халос этар экан. Стрессни бир неча жисмоний машқлар билан ҳам йўқотиш мумкин. Мускулларимизнинг анча бўшаши руҳий тарангликни енгади. Кўпроқ ҳаракатда бўлинг.

Магнитофонда ўзингиз эқитирган мусиқани тингланг. Марказий асаб тизими фаолиятининг яхшиланишида билингни, мусика, куй, кўшиқнинг аҳамияти бениҳоядир.

**Биласизми?**

**ЭЛЕКТР ДАЗМОЛИ**

Инсоният дазмол билан қадимдан таниш. Уларнинг ичига иссиқ кўмир чўғи солинган. Кейинчалик оловда қиздириллагандан чўян дазмоллар ўйлаб топилган. Электр қиздиригичли биринчи дазмолни америкалик Хенри Сили 1882 йилда ихтиро қилди. Хозирги кунда дазмол ҳаётимизда катта ўрин тутди.

**МЕТРО**

Метро лондонлик Чарльз Гемрсон томонидан ўйлаб топилган. У 1846 йили ўз лойиҳасини пойтахт темир йўл бўйича қироллик комиссиясига топширди. 1853 йили Poth Metropolitan Raylwoy Compony компаниясига асос солинди ва иккисоний еттишмовчиликлар туфайли 1860 йилнинг январидагина Истон Скверда биринчи туннель қавланди. Тўрт мил узунликдаги тармоқнинг очилиши 1863 йил 10 январда эрта тонг соат бела бўлиб ўтди. Линияда боши ва охиридаги Фаррингтон Стит ва Паддингтонлар билан биргаликда 7 та беқат бўлиб, бу масофани босиб ўтиш учун 33 дақиқа вақт кетар эди. Вагонлар газ билан ёритилган. «Дейли Телеграф» газетасининг ёзишича, унинг ёруғида бемалол газета ўқиш мумкин бўлган. Очилиш кунинда олтинга локомотив тўрттадан вагонни тортиб ҳар 15 дақиқа қатновни ташкил қилишган ва умумий ҳисобда иккала томонга 120 марта бориб келиб, 30000 кишини ташиган.



**Бош муҳаррир  
Акмал АКРОМОВ**

Манзилими: 700000,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32

**ТЕЛЕФОНЛАР:**

хатлар — 133-29-70;  
эълонлар:  
133-28-95, 133-11-39,  
факс: (3712) 133-29-09

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади.  
3557 нускада босилади. Қоғоз бичими А-3

**Душанба, сешанба, чоршанба,  
пайшанба ва жума  
кунлари чиқади.**

**Нашр кўрсаткичи — 563**

Газета Ўзбекистон Давлат матбуот қўмитасида 10-қават билан рўстатилган

Нашрини етасиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почта»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва сақланган.

«Шарқ» нашриёт-нашра оқшордорлик компанияси босмохонаси.  
Қоржона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41-уй.